

Чекка ҳудуд, бу — янгиланишлардан четда дегани эмас...

2-с.

Кимларга гаров таъминотисиз кредит ажратилади?

3-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№75
(2403)

2026 ЙИЛ
16 СЕНТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 ЙИЛ — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

ҲАР БИР МУРОЖААТДА МАҲАЛЛАНИНГ БОШҚАРУВ ХАРИТАСИ БОР

Аҳоли мурожаатлари маҳалладаги муаммоларни аниқлаш воситаси бўлиш билан бирга, бошқарув сифатини баҳолайдиган муҳим мезон ҳамдир. Мурожаатлар сони, мазмуни, такрорийлиги ва қайси босқичда ҳал этилаётгани маҳаллада аҳоли билан ишлаш қай даражада йўлга қўйилганини кўрсатади. Шу маънода мурожаатни қабул қилиш — ишнинг бошланиши, унинг сабабини бартараф этиш эса ҳақиқий натижадир.

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА



Ҳорий йил бошидан буён Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизимига 42 минг 510 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 15 минг 862 таси “Рақамли маҳалла” ахборот тизими орқали қабул қилинган. Бу рақамлар аҳоли билан мулоқотнинг янги воситалари кенгайганини кўрсатади. Бироқ рақамли платформа, ишонч телефони ёки қабулхона мурожаатни қабул қилишни енгиллаштиргани билан, муаммонинг ўзи тўғридан-тўғри ҳал бўлмайди.

Эътиборли жиҳати, **мурожаатларнинг қарийб 90 фоизи маҳалла раисларининг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятидан норозилик билан боғлиқ.** Бу кўрсаткични фақат айрим раисларнинг фаолиятига баҳо сифатида қабул қилиш етарли эмас. Унинг ортида аҳоли билан мулоқотдаги узилишлар, берилган ваъдаларнинг натижага айланмаслиги, мурожаатни ижрочига йўналтириш билан чекланиш, муаммонинг сабабини ўрганмаслик каби бошқарувдаги камчиликлар ҳам туриши мумкин.

Демак, мурожаатлар билан ишлашда биринчи вазифа — уларнинг сонини эмас, мурожаатни келтириб чиқараётган сабабларни камайтириш бўлиши керак.

Давоми 2-саҳифада.

МУШОҲАДА

БУ ЖАРАЁН БИР МАРТАЛИК КЎМАК БИЛАН ЯКУН ТОПМАЙДИ

...Ота-она ажрашганда, энг кўп жабр кўрадиган болалар, десак, янглишмаймиз. Уларнинг таълими, тарбияси, соғлиғи, моддий эҳтиёжи доимо кун тартибида туриши шарт.



Хотин-қизлар фаоли оила бузилиши болаларга қандай таъсир қилаётганини ҳам кузатиб бориши, зарур бўлса, тегишли мутахассисларни жалб этиши лозим.

Энг муҳими шуки, **хотин-қизлар фаолининг иши бир мартали суҳбат ёки кўмак билан тугамайди.** Фуқаро иш топдими, аҳволи яхшиландими, белгиланган ёрдам самара беряптими — буни назорат қилиб бориш ҳам унинг вазифаси саналади.

Давоми 4-саҳифада.


7 ТАДБИРКОРГА НАЗОРАТ ЭМАС — МУЛОҚОТ, ТАЛАБ ЭМАС — КЎМАК КЕРАК

8 ҚОРОНҒУЛИК — ЖИНОЯТНИНГ ЭНГ ЯҚИН ДЎСТИ

ТАҲЛИЛ

ЕТАКЧИ ЁШЛАРНИ БИЛАДИМИ ЁКИ УЛАР ҲАҚИДАГИ РАҚАМЛАРНИ?..

...Ёшлар ўз муаммосини айтиши учун, аввало, уларнинг гапи эшитилишига ишониши керак. Агар у мурожаатидан кейин нима бўлишини билмаса ёки аввалги тажрибасида натижа кўрмаган бўлса, кейинги сафар ҳам эшик қоқмаслиги мумкин.



Етакчиларнинг ўзлари ҳам бу жараёнда бир қатор тўсиқларга дуч келади. Маҳалладаги барча ёшлар билан мунтазам якка тартибда суҳбатлашиш, уларнинг ҳолатини кузатиб бориш ва ҳар бир мурожаат ортидан натижани текшириш учун **вақт, усул ва ҳамкорлик тизими бирдек ишлаши керак.** Акс ҳолда етакчи кўпроқ кўринадиган, фаол ёшлар билан ишлашга мажбур бўлиб, эътиборга энг муҳтож қатлам яна четда қолиб кетиши мумкин.

Давоми 5-саҳифада.

“MAHALLA” — МАҲАЛЛА ҲАЁТИНИНГ ЁЗМА СОЛНОМАСИ



Комилжон ҚУРБОНОВ,
Қўшкўпир тумнидаги “Меҳнатобод” маҳалласи раиси:

— “Mahalla” газетасининг ҳар бир сонини “маҳалла еттилиги” аъзолари билан биргаликда ўқиб, муҳокама қиламиз. Чунки нашрда маҳалла ҳаётидаги янгиликлар, “еттилик” аъзоларининг иш фаолияти, илғор тажрибалар ва амалий ечимлар кенг ёритилади. Ундаги маълумотлар кундалик фаолиятимизда қўл келади, аҳоли билан мулоқотда, маҳалла тизимидаги янгиликларни тушунтиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, **“Mahalla” — маҳалла раиси ва “еттилик” аъзоларининг доимий ҳамроҳи, тажриба ва билим манбаи.**



Севимли газетамиз маҳалла ҳаётини, “еттилик” фаолиятини энг кўп ва изчил ёритадиган, тизим вакиллари учун энг зарур нашрлардан бири. **Шу боис 2027 йил учун ҳозирданоқ обуна бўлдик.** Зеро, маҳалладаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир натижа ва тажриба газетада ўз ифодасини топади. **Фикримча, ушбу нашр нафақат маҳалла идораларига, балки маҳаллалардаги кутубхоналарга ҳам етказилиши керак.** Чунки “Mahalla” — маҳалла ҳаётини англаш, “еттилик” фаолиятини тўғри тушуниш ва аҳолига янгиликларни етказишда барча учун керакли манба.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Айтилмаган дард, аниқланмаган муаммо қолмаслиги жуда муҳим

...Айрим фуқаролар ижтимоий хизматлар ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Улар қандай хизматлар мавжудлиги, кимларга ва қай тартибда кўрсатиладиганини билмагани учун ўз эҳтиёжини ҳам тўғри ифодалай олмаслиги табиий.



Шу ўринда **ижтимоий ходимнинг вазифаси** фақат **“Сизга қандай ёрдам керак?”,** деб сўраш билан чекланиб қолмаслиги керак. Чунки баъзан аҳоли вакилининг берган жавоби унинг ҳақиқий эҳтиёжини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин. Ижтимоий ходим суҳбат давомида **инсоннинг турмуш шароити, оилавий муҳити, кундалик эҳтиёжлари ва имкониятларини комплекс ўрганиши** лозим.

Бу жараёнда кескин саволлар ўрнига ишончли мулоқотни шакллантирувчи, инсонни эркин фикрлашга ундайдиган саволлар самаралироқ бўлиши мумкин. Масалан, **“Муаммоингиз нима?”,** деган савол ўрнига **“Кундалик ҳаётингизда сизга энг кўп қийинчилик туғдираётган масала қайси?”,** дея мурожаат қилиш инсонга ўз ҳолатини эркинроқ тушунтириш имконини беради.

Давоми 6-саҳифада.



Гандбол бўйича “ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ КУБОГИ”да қизлар ўртасида Андижон, йигитлар ўртасида Тошкент шаҳри жамоаси ғолиб бўлди.



ИЗБОСКАН ТУМАНИДАГИ ГУРКИРОВ МАҲАЛЛАСИДА оилавий шифокорлик пунктининг янги биноси ишга туширилди.



БАҒДОД ТУМАНИДАГИ “МАТҚУЛОБОД” МАҲАЛЛАСИ ҳудудида замонавий универсал спорт майдони фойдаланишга топширилди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

ҲАР БИР МУРОЖААТДА МАҲАЛЛАНИНГ БОШҚАРУВ ХАРИТАСИ БОР



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Баҳром КУШБАКОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош мутахассиси.

БИР МУРОЖААТ ОРТИДА...

Мурожаатларнинг мазмуни бугун маҳалладаги ижтимоий масалалар бир-бири билан узвий боғлиқ эканини кўрсатмоқда.

Президент Халқ қабулхоналари орқали саккиз ойда 16 минг 742 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг асосий қисмини моддий ёрдам ва нафақа тайинлашга оид мурожаатлар ташкил этган — 7 097 та. Бу рақамни фақат ижтимоий тўловларга бўлган эҳтиёж сифатида баҳолаш бир томонлама ёндашув бўлади. Айрим ҳолларда нафақа ёки моддий ёрдам сўраётган оила ортида ишсизлик, даромад манбасининг йўқлиги, касбга эга эмаслик, уй-жой шароити ёки бошқа ижтимоий муаммолар бир вақтнинг ўзида ётади.

Шундай вазиятда мурожаатни фақат “нафақа тайинлаш” масаласи сифатида кўриш муаммонинг бир қисминигина ҳал қилади. Оиланинг ҳолатини комплекс ўрганиш, “еттилик” имкониятларини бирлаштириш ва оилани барқарор даромадга олиб чиқиш эса узоқ муддатли ечимни таъминлайди.

Шунинг учун раис учун муҳим ёндашувлардан бири — **бир оиланинг бир нечта мурожаатини алоҳида ҳолатлар сифатида эмас, ягона муаммолар занжири сифатида кўриш.**

ТАКРОРИЙ МУРОЖААТ — НАЗОРАТДАГИ БЎШЛИҚ БЕЛГИСИ

Мурожаатни масъулга топшириш билан иш якунланмайди. Акс ҳолда ижрочи билан мурожаат қилувчи ўртасидаги муносабат раис назоратидан чиқиб кетади. Натижада фуқаро бир масала бўйича яна мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Шу боис маҳаллада мурожаатлар бўйича оддий рўйхатдан кўра **натижа харитаси** зарур. Унда мурожаатнинг мазмуни, сабаби, масъули, муддати, кўрилган чора ва якуний натижа акс этиши керак. Айниқса, қайта келган мурожаатлар алоҳида белгилаб борилиши мақсадга мувофиқ.

Яна бир жиҳат бор: рақамли тизимлар бугун мурожаатни узатиш билан бирга, ижрони бошқариш воситасига ҳам айланиши зарур. Саккиз ойда “Ижтимоий мурожаат” модули орқали 1 756 та, “Еттилик мурожаати” орқали 8 982 та мурожаат билан ишлангани ҳам бу тизимнинг қамрови кенгайиб бораётганини кўрсатади. Бу ерда асосий натижа — **мурожаатнинг қайси босқичда экани, ким масъуллиги ва якунда нима ўзгарганини кўра олиш саналади.**

Бунинг учун **маҳаллада ҳафталик таҳлил амалиётини йўлга қўйиш** мумкин: энг кўп такрорланаётган мурожаатлар, муддати ўтиб бораётган масалалар, бир оилада тўпланган бир нечта муаммо ва юқори ташкилотга чиққан мурожаатлар алоҳида кўриб чиқилади. Ҳар бир ҳолат бўйича кейинги аниқ ҳаракат белгиланади.

МУРОЖААТНИ ЭШИТИШДАН ОЛДИН МУАММОНИ КЎРИШ

Маҳаллада мурожаатлар билан ишлашнинг энг самарали шакли — фуқаро юқори ташкилотга мурожаат қилишидан олдин унинг муаммосини аниқлашдир.

Бунинг учун раис **ҳудуддаги вазиятни мунтазам ўрганиб борадиган бошқарув моделини** шакллантириши керак. Уюшма жорий йил бошидан буён аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш ва жойлардаги муаммоларни ўрганиш мақсадида сайёр қабуллар ташкил этгани ҳам шу ёндашувнинг аҳамиятини кўрсатади. Чунки **хонадонга бориб ўрганилган муаммо кўпинча қабулхонага келиб тушган мурожаатдан кўра кенгроқ манзарани очиб беради.**

Масалан, бир оиланинг моддий ёрдам сўраши ортида ишсизлик, оиланинг даромад манбаси йўқлиги ёки касбий имкониятдан фойдаланилмаётгани аниқланиши мумкин. Муаммо олдиндан кўрилса, мурожаат келиб тушишини кутиш шарт бўлмайди.

ЕЧИМ НИМАДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

Маҳаллада мурожаатлар билан ишлашни кундалик бошқарувнинг бир қисми сифатида ташкил этиш керак. Бунинг учун бир нечта аниқ ёндашув самара беради.

Биринчидан, **мурожаатларни сабабига кўра таҳлил қилиш** лозим. “Нафақа”, “моддий ёрдам”, “уй-жой”, “ободонлаштириш” деган тасниф билан чекланиш ўрнига, бу мурожаатларни келтириб чиқараётган умумий сабаблар аниқланиши керак.

Иккинчидан, **такрорий мурожаатлар алоҳида назорат мезонига айланиши** зарур. Бир масала бўйича қайта мурожаат қилинган ҳар бир ҳолат аввалги ечимнинг сифати нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, **“еттилик”нинг имкониятлари бирлаштирилиши** керак. Бир оиланинг муаммоси бир вақтнинг ўзида бандлик, ижтимоий ҳимоя, оилавий муносабатлар, тиббий ёки бошқа масалалар билан боғлиқ бўлса, уни ҳар бир масъул алоҳида ҳал этиши эмас, ягона натижа учун ҳамкорлик қилиши муҳим.

Тўртинчидан, **мурожаатлар таҳлили кейинги иш режасини белгилаши** керак. Агар бир маҳаллада ичимлик сув бўйича мурожаатлар кўпайса, бу масала навбатдаги йиғилиш кун тартибига киритилиши, масъуллар ва муддат белгиланиши лозим. Мурожаат статистикаси шундагина бошқарув қарорининг асосига айланади.

ОБОДЛИК

"ОҒИР" ҲУДУД ОБОДЛИККА БУРКАНДИ



Маҳалламиздаги 1 060 та хонадонда 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йилларда ишсизлик ва инфратузилмадаги қатор муаммолар сабаб ҳудуд туманнинг “оғир” маҳаллаларидан бири сифатида қайд этилган эди. Бугун эса бу ҳолатни ўзгартиришга қаратилган аниқ режа асосида амалий натижаларга эришяпмиз.

Ҳурматилло ТОЛИПОВ,
Пахтаобод туманидаги “Шувоқзор-Бойкечик” маҳалласи раиси.

Вилоят ва туман ҳокимликлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган алоҳида режа асосида маҳалламизнинг Янгиобод, Аҳиллик, Соҳил, Роҳат, Дўстлик, Андижон ва Бойкечик кўчаларида ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Кўчалар асфальтланиб, аҳоли учун ҳаракатланиш шароити яхшиланмоқда. Эски ёғоч электр устунлари ўрнига 143 та темир-бетон устун ўрнатилди, 7,4 километр масофага янги кабель симлар тортилди.

Ичимлик сув ва томорқаларни суғориш масалалари ҳам эътибордан четда қолмади. Бойкечик кўчасида ичимлик сув учун 1 та қудуқ, Янгиобод ва Аҳиллик кўчаларида аҳоли томорқаларини суғориш мақсадида 2 та сув қудуғи ўрнатилди. Шунингдек, 3 километр узунликда пиёдалар йўлакчаси барпо этилмоқда. Мазкур ишлар маҳалламизда яшовчи аҳоли, айниқса, кексалар, болалар ва кундалик ҳаракатланувчи фуқаролар учун қулайликларни кенгайтиради.

Обод маҳалла аҳоли саломатлиги ва ёшлар фаоллиги учун зарур шароитлар билан уйғун бўлиши керак. Шу мақсадда ҳудудимизда замонавий тиббиёт пункти қурилиши давом этмоқда. Аҳиллик кўчасида ёшларни спортга кенг жалб қилиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга мўлжалланган ёпиқ спорт майдончаси барпо этиляпти. Айни кунларда ҳар икки объектда қурилиш ишлари қизғин паллага кирган.


Маҳаллада иқтисодий фаолликни ошириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳам амалий қадамлар ташланган. Ўнга яқин тадбиркор савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, автомобилларга сервис хизмат кўрсатиш устахонаси каби объектларни бунёд этяпти. Уларнинг ишга тушиши билан 20 нафардан ортиқ фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлади.

Маҳалламиздаги бунёдкорлик ишлари аҳоли кайфиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Кўп йиллардан буён орзу қилинган ўзгаришлар бугун амалий тус олган. Кўчаларнинг обод бўлиши, электр ва сув таъминоти яхшиланиши, тиббиёт пункти ҳамда спорт майдончаларининг барпо этилиши одамларнинг кундалик ҳаётига бевосита таъсир кўрсатади.

Бугун “Шувоқзор-Бойкечик”да ҳар бир кўча ва хонадон манфаатини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боряпмиз. Инфратузилмани яхшилаш, аҳолига қулай шароит яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари ташкил этишни бир-бирига боғлиқ вазифалар сифатида кўряпмиз. Маҳалламизда бошланган бунёдкорлик ишлари ҳудуднинг қиёфасини ўзгартириш билан бирга, аҳоли турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Аҳоли мурожаатларини мутлақо йўқотиш мумкин эмас. Мурожаат — фуқаронинг ўз муаммосини билдириш ва ечим талаб қилиш ҳуқуқи. Шунинг учун самарадорликни мурожаатлар сонининг камайиши билан ўлчаш ҳам тўғри бўлмайди. Маҳалла раиси учун мурожаатлар статистикаси шу маънода оддий ҳисобот эмас. У ҳудуддаги бошқарувнинг қайси нуқтаси ишламаётганини кўрсатадиган амалий таҳлил воситасидир.

Мурожаатни эшитиш — аҳоли билан мулоқотнинг бошланиши. Уни масъулга йўналтириш — ташкилий жараён. Натижагача кузатиш — масъулият. Муаммонинг қайта пайдо бўлишининг олдини олиш эса маҳалладаги бошқарув самарадорлигининг ҳақиқий кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳар бир раис ўз ҳудудида мурожаатлардан келиб чиқиб, **қайси муаммо кўп такрорланяпти, унинг сабаби нимада ва уни бартараф этиш учун маҳалла имкониятларидан қай даражада фойдаланилмоқда,** деган учта йўналишни доимий таҳлил қилиб борса, мурожаатлар билан ишлаш оддий ижро жараёнидан аниқ натижага йўналтирилган бошқарув тизимига айланади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

Чекка ҳудуд, бу — янгиланишлардан четда дегани эмас...

ЖАРАЁН

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Марҳамат тумани маҳаллаларида ҳам ободонлаштириш, маҳалла инфратузилмаси — йўллар, ичимлик сув, электр энергияси таъминоти ҳамда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.



Биргина “Ташаббусли бюджет” жараёнининг 2026 йил биринчи мавсумида тумандаги ички йўлларни асфальтлаш бўйича умумий қиймати 9 миллиард 878 миллион сўм бўлган 6 та лойиҳа ғолиб деб топилган эди. Ана шу лойиҳалар доирасида “Ўқчи”, “Кўтарма”, “Қўрғонча”, “Оқбош”, “Қушчи”, “Шаҳристон” маҳаллаларининг 24 километр узунликдаги ички кўчалари асфальтланди.

Қарийб 4 минг нафар аҳоли истиқомат қилаётган **“Ўқчи” маҳалласи** ўтган йили “оғир” маҳалла тоифасига киритилган эди. Маҳаллани бу ҳолатдан чиқариш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланиб, амалий ишлар олиб борилди. Натижада қисқа вақт ичида маҳалла инфратузилмаси тубдан янгиланиб, аҳоли учун янада қулай яшаш муҳити яратилди.

Хусусан, маҳалланинг Катта Ўқчи, Тошлоқ-2, Бозорбоши, Бешкал кўчаларида ҳар бир хонадонга ичимлик сув кириб борди, электр энергияси таъминоти яхшиланди. Белгиланган дастурлар доирасида 6,8 километр ички йўллар асфальтланди. Бир пайтлар чанг-тупроқ ва лой бўлган кўчалар бугун равон йўлларга айланди. Бу каби ўзгаришлардан каттаю кичик беҳад мамнун.

— Юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигидан қалбимиз фахрга тўлади, ***— дейди “Ўқчи” маҳалласи раиси Одинахон Ҳакимова.*** *— Маҳалламиз туманнинг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади. Лекин бу ердаги ўзгаришлар, бунёдкорлик, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар маҳалла аҳлини чексиз қувонтирмоқда.*

Маҳалла аҳли ана шу хайрли ишларга бефарқ эмас. Одамлар бир ёқадан бош чиқариб, хонадон, кўча ва гузарларни ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этяпти. Хусусан, янги асфальтланган йўлларнинг четларини бетонлаш, йўл ёқаларини тартибга келтириш, ҳудудни янада кўркам ва озода қилиш ишлари маҳалла фаолларининг ташаббуси билан амалга ошириляпти.

Шунингдек, тумандаги **Ғафур Ғулом номидаги маҳаллада** ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Хусусан, ички йўлларни тартибга келтириш, йўл ёқаларини ободонлаштириш, ариқ-зовурларни тозалаш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ҳамда санитария ҳолатини яхшилаш борасида амалий ишларда каттаю кичик фаол қатнашмоқда. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар маҳалланинг янада обод, файзли масканга айланишига хизмат қилади.


Маҳаллада иқтисодий фаолликни ошириш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳам амалий қадамлар ташланган. Ўнга яқин тадбиркор савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, автомобилларга сервис хизмат кўрсатиш устахонаси каби объектларни бунёд этяпти. Уларнинг ишга тушиши билан 20 нафардан ортиқ фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлади.



ТОШЛОҚ ТУМАНИДАГИ “ҚАНЖИРҒА” МАҲАЛЛАСИДА 25 нафар ишсиз йигит-қизга ер майдонлари ажратиб берилди.



МИРОБОД ТУМАНИДАГИ “ОЙБЕК” МАҲАЛЛАСИДА аҳоли даромадларини ошириш бўйича “хонадонбай” ўрганишлар олиб борилди.



НАВБАҲОР ТУМАНИДАГИ “ҚОРАЖОН” МАҲАЛЛАСИДА 12 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

2026 ЙИЛ
16 СЕНТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№75

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

ТАҲЛИЛ

Кимларга гаров таъминотисиз кредит ажратилади?

“Тадбиркор бўламан”, деганнинг йўлига ҳеч ким ғов эмас”

“Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони қишлоқ ва маҳаллалардаги мавжуд оилалар, тадбиркорлар даромадига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи жуда қулай иқтисодий дастурдир.

Фаррух ТОШПЎЛАТОВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бош мутахассиси.

Ушбу ҳужжат давлат ижтимоий ёрдамини фақат пул тарқатиш эмас, балки аҳолини бизнесга, маҳаллий кооперацияга жалб қилиш орқали аниқ даромад билан таъминлаш тизимига айлантирмоқда. Мисол учун, етакчи тадбиркорларга **5 миллиард сўмгача** маблағ бериш кўзда тутилаётгани бежиз эмас. Агар маҳаллада бирор фаол бизнес эгаси Ижтимоий реестрга киритилган эҳтиёжманд оилаларни ўзига шерик қилса, уларни иш билан таъминласа ёки кооперация асосида уйида маҳсулот етиштиришига кўмаклашса, давлат унга катта молиявий дастак беради. Битта етакчи тадбиркорга **5 миллиард сўмгача** имтиёзли маблағ ажратилиши мумкин.

Айтайлик, тикувчилик ёки чорвачилик кластери маҳалланинг 30 та кам таъминланган оиласини ишга олди ёки уларга қуён, қўй тарқатди, давлат бу тадбиркорга 1,5 миллиард сўм маблағ тақдим этади. Натижада тадбиркор янада ривожланади, 30 та оила ҳам мунтазам даромадга эга бўлади.



2026 йил 1 октябрдан бошлаб, ўзини ўзи банд қилганлар ва кичик бизнес вакиллари учун кредит олиш тизими тубдан ўзгармоқда. Энди кредит фоизининг бир қисмини қоплаб бериш (компенсация) тизими осонлашди. Бундан буён компенсация ажратиш учун кредит тарихи ёмонлиги, тадбиркорлик тоифаси ёки барқарорлик рейтинги каби тўсиқларга йўл қўйилмайди.

Бу масалани тўғридан-тўғри туман ёки шаҳар ҳокимликлари қошида тузилган махсус ҳудудий штаблар ҳал қилади. Агар лойиҳа ҳақиқатда маҳаллага фойда келтирса, шу қарор компенсация бериш учун етарли асос бўлади.

2027 йил 1 январдан бошлаб, оилаларни “кам таъминланган”, деб топиш ва реестрга киритиш фақат уларнинг расмий даромадига қараб баҳоланмайди. Эндиликда кўп ўлчовли баҳолаш (скоринг) тизими жорий этилади. Унга кўра, оилада сурункали касал бор-йўқлиги, ногиронлик ҳолати, кўп болалилиги ёки боқувчиси ташқи меҳнат миграциясида эканлиги алоҳида балл билан баҳоланади.

Реестрга кирган ва “давлат таъминотидаги оила”, деб топилганларга оилавий тадбиркорлик бошлаши учун **2026 йилда қўшимча равишда 100 миллиард сўм, 2027 йилда эса 300 миллиард сўм фоизсиз кредит**лар тарқатилади. Бу маблағ уларга боқимандаликдан чиқиш учун бериладиган имкониятдир.

Фармонда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам жуда муҳим ҳаётий банд киритилган. Яъни, **2027 йил 1 январдан бошлаб,** расмий меҳнат шартномаси билан ишлаётган аёлларга туғруқ таътили тугаганидан кейин, фарзанди 1 ёшга тўлгунига қадар Давлат ижтимоий суғурта жамғармасидан бола парваришлаш нафақаси тўланади. Бу ёш оналарнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишда катта қадамдир.

Хулоса қилганда, фармон қишлоқ ва маҳаллалардаги ишсизликка қарши курашишда давлат захираларини аниқ меҳнат қиламан, деган тадбиркор ва оилаларга йўналтирмоқда.

ИБРАТ

“Давлат менга нафақа тўласин”, ДЕЙДИГАН БОҚИМАНДАЛАР ҚОЛМАДИ”

Инсонга шунчаки пул ёки моддий ёрдам бериш билан уни камбағалликдан чиқариб бўлмайди. Тўғрисини айтиш керак, маҳалламизда “Давлат менга нафақа тўласин, шароит яратсин, иш топиб берсин”, деб фақат кутиб яшайдиган, айбни замонга тўнкайдиган боқимандалик кайфиятидаги инсонлар қолмади.



Чори ХОЛИЁРОВ,
Жарқўрғон туманидаги “Жарқўрғон минораси” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи.

Чунки жараёнда биринчи навбатда, ана шу қарашни ўзгартиришга урғу бердик. Ташаббус кўрсатган, меҳнат қилган оила қандай ютуққа эришишини эса маҳалладошларимиз Юлдуз Мамаюсупова ва Саодат Эрданаевани ҳаётий мисолида кўрсатдик.

Юлдуз Мамаюсупова ердан бир йилда 4 марта ҳосил олиш мумкинлигини амалда исботлади. У соҳага қизиқса-да, деҳқончилик сирларидан билими етишмасди. Бусиз қилинган меҳнат вақт ва маблағни беҳуда сарфлаш, демакдир. Шу боис унга касб сирларини ўргатдик. Сўнг маҳалла кўмаги билан имтиёзли кредит ажратилиб, замонавий иссиқхона қуриб берилди. Юлдуз опа ишни шундай ташкил қилдики, иссиқхонада ер бир кун ҳам бўш турмайди. Натижада у йилига 4 мартагача ҳосил олишни йўлга қўйди. Ҳозир 100 миллион сўм соф даромад топмоқда.

Саодат Эрданаева ҳам ундан кам натижа кўрсатмади. Ижтимоий нафақа кутиб ўтирадиганлар тоифасидан эмас. Ўз хўжалигини ривожлантириш истагини билдирганда, маҳалладош сифатида унга зарур йўл-йўриқларни кўрсатдик, кўмак бердик. Дастлаб чорвачиликни ривожлантирди. Кейин ажратилган имтиёзли кредит ҳисобидан иссиқхона барпо этиб, сердаромад соҳа — лимончиликни йўлга қўйди. Бугун чорва ва лимондан келаётган умумий йиллик фойда 100 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Боқиманда инсон доим давлатдан кўмак кутади, қашшоқликдан чиқа олмайди. Ташаббускор инсон эса ўз бизнесини яратади, нафақат ўзини, балки оиласини боқади, маҳалладошларига иш ўрни яратади. Бир сўз билан айтганда, ҳаракат қилган, ерни хазинага айлантирган инсон кам бўлмайди.

ИБРАТ

ЎН ЕТТИНЧИ БАҲОРДА ОЧИЛГАН ГУЛЛАР

Мактаб битирувчиси, 11-синф ўқувчиси бўлиш қандай масъулият эканини ҳамма билади. Келажак йўлини белгилаб оладиган палла. Сайхунобод туманининг “Турон” маҳалласида яшовчи 17 ёшли Гулҳаё Абдураҳмонова аллақачон ўз келажаги учун пойдевор қуриб, кичик бизнес эгасига айланиб улгурди.

Шоҳсанам НАЖМИДДИНОВА.
журналист.

Даромад топиш учун, албатта, қимматбаҳо дўкон очиш шарт эмаслигини исботлади. Унинг бор-йўғи 7 сотихлик томорқаси ва гулларга бўлган чексиз меҳри оилавий тадбиркорликка айланди.

— Ҳар бир муваффақият ортида катта изланиш ва тиришқоқлик ётади, ***— дейди ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Озодбек Қаршибоев.*** *— Гулҳаё болалигидан гулчиликка қизиқарди. Аммо бу қизиқишни шунчаки машғулот эмас, балки даромад манбаига айлантиришга кўмаклашдик. Ҳозирда хонадонидаги 7 сотихлик иссиқхонада атиргулнинг энг харидоргир 3 хил навини парваришламоқда.*



Гулни шунчаки етиштириб, улгуржи сотиш эмас, унга қўшимча қиймат қўшиш —асосий ташаббуси бўлди. Етиштирилган атиргуллардан замонавий, бежирим ва кўзни қувонтирадиган букетлар тайёрлашни йўлга қўйди. Бу ёндашув харидорлар оқимини бир неча баробарга оширди.

Кундалик иш жадвали ва топаётган даромади ҳар қандай катта ёшли тадбиркорни ҳам ҳайратда қолдиради. Кунлик даромад 500 минг сўмгача, ойлик соф фойда 15 миллион сўмни ташкил этади.

Тасаввур қилинг, 11-синфда ўқиётган қиз ўз меҳнати билан ойига 15 миллион сўм даромад қўрмоқда! Бу маблағ нафақат унинг шахсий эҳтиёжларини қоплайди, балки оила бюджетига ҳам жуда катта мадад бўлмоқда.

> **Президентимиз илгари сурган Сайхунобод тумани тажрибасининг асл мағзи, бош ғояси ҳам айнан шунда — ҳар бир хонадон томорқасидан унумли фойдаланиши, иссиқхоналарни даромад манбаига айлантириши ва боқимандалик кайфиятидан воз кечиши керак. Гулҳаё бу тажрибанинг қоғоздаги эмас, ҳаётдаги энг ёрқин ва жонли тимсолидир.**

Унинг қун тартиби оддий, аммо темирдек интизомга асосланган. Эрта тонгда, ҳали қуёш тоғлар ортидан мўраламай туриб, у иссиқхонада бўлади — гулларни суғоради, уларга ишлов беради, сўнг мактабга йўл олади. Дарсдан кейин эса яна севимли машғулотига қайтади. Унинг ҳаётий ютуқлари “вақтим йўқ, шароит тўғри келмади, давлат ёрдам берсин”, деган баҳона билан кун ўтказаётганларга муносиб жавоб бўлди.

Кичик бир томорқани гулзорга ва миллионлаб даромад келтирадиган бизнесга айлантириш учун фақатгина битта нарса — хоҳиш ва ҳаракат керак. Агар сизда ҳам озгина ер майдони, қалбингизда шижоат ва тинимсиз меҳнат қилишга тайёр қўлларингиз бўлса, Сайхунобод тумани тажрибасини ўз хонадонингизда синаб кўринг. Зеро, томорқасидан барака топган ҳеч қачон кам бўлмайди.

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

Бир ташаббус 10 та хонадонга **файз, барака олиб кирди**

Чорвачилик — халқимиз учун шунчаки касб эмас, балки асрлар давомида шаклланган турмуш тарзи, оилавий тўкин-сочинлик манбаидир.

Хайрулло ФАЙЗ.

Айниқса, Деҳқонобод каби яйловлари кенг ҳудудларда хонадон ва фаровонлик тушунчаларини чорвасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун туманнинг “Айридевол” маҳалласида аҳоли даромадини ошириш ва чорвачиликни янги босқичга олиб чиқиш борасида ана шундай анъаналарга замонавий ёндашувлар татбиқ этилмоқда.



Ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Боймурод Жўраевнинг ташаббуси ва тавсияси билан ҳудуддаги 10 та хонадонга имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан Монголиядан “Баят” зотли қўйлар етказиб берилди.

Хўш, нега айнан бу зот? Тажрибали чорвадорлар яхши билишади, хориждан келтирилган ҳар қандай зот маҳаллий иқлимга тез мослашиб кета олмайди. Аммо Монголиянинг қаттиқ совуғи ва қуруқ иқлимида чиниққан бу зотли қўйлар Деҳқоноднинг тоғли ва дашт шароитига жуда тез кўникиб кетди. Ўзининг гўшт ва жун маҳсулдорлиги, энг муҳими, маҳаллий яйловларда озуқа танламай, тез вазн йиғиши билан ажралиб туради.


Бугунги кунда ушбу хонадонларда парваришланаётган чорва қўйларидан дастлабки яхши натижалар олина бошланди. Уларнинг маҳаллий шароитга тез мослашгани ва соғлом ривожланаётгани хонадон эгаларининг кунига файз, чўнтагига барака олиб кирмоқда.

— Бу қўйлар бизнинг иқлимга жуда мос экан, ***— дейди ҳоким ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Боймурод Жўраев.*** *— Дастлабки натижалардан кўнглимиз тўлди. Шу боис йил якунига қадар яна 20 та шундай лойиҳани амалга оширишни, маҳалламизда ушбу сердаромад соҳани кенгайтиришни мақсад қилганмиз.*

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, хонадонда 5-10 бош сермаҳсул чорва бўлиши, бу — оиланинг кундалик эҳтиёжларидан ортиб, фарзандлар таълими, уй-жой қурилиши ёки тўй-томошалар учун мустаҳкам пойдевордир. Энг муҳими, бундай лойиҳалар қишлоқ аҳлини иш билан таъминлабгина қолмай, уларда тадбиркорлик, ер ва мулкка эгалик туйғусини кучайтирмоқда.



Тахтакўпир ва Қораўзак туманларида ташкил этилган сайёр қабулларда ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ кўриб чиқилди.



Тошкентда хотин-қизларнинг СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН очиқ мулоқот бўлиб ўтди.



Хотин-қизлар ўртасида "ҲУДУДНИНГ ЭНГ ЯХШИ 100 ТА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРИ" танловига старт берилди.

"ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!"



МУШОҲАДА

БУ ЖАРАЁН БИР МАРТАЛИК КЎМАК БИЛАН ЯКУН ТОПМАЙДИ

Эшик ёпилди. Никоҳ гувоҳномаси йиртилди. Аммо ҳаёт давом этади, фақат ёлғиз... Оилавий муносабатлар барҳам топганидан кейин кўплаб аёллар учун вазиятнинг энг оғир қисми айнан шу ердан бошланади. Фарзандлар тарбияси, моддий таъминот, ишсизлик, уй-жой, алимент, ҳуқуқий ва руҳий масалалар — буларнинг барчасини баъзан бир вақтнинг ўзида ҳал этишга тўғри келади. Ачинарлиси, бу пайтда аёл кўпинча ёлғиз қолади.



Саодат БОЙМИРЗАЕВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси матбуот котиби.

Табиийки, савол туғилади: маҳалла бу вазиятда нима қила олади? Қандай ёндашув асосида иш кўриш яхши самара беради? Шу каби ўйлантирадиган масалалар кўп. Бундай вазиятда эса хотин-қизлар фаолининг масъулияти ва ташаббуси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

АВВАЛО — ЭШИТИШ, КЕЙИН — ҲАРАКАТ

Фаолнинг биринчи вазифаси — тезда "ёрдам рўйхати"-ни тузиш эмас, балки аёлнинг ўзига хос вазиятини чуқур англаб етиш. Чунки ҳар бир тақдир ўзига хос: биттасига иш керак, иккинчисига — ҳуқуқшунос, учинчисига эса — шунчаки унинг гапини эшитадиган, айбламайдиган одам.

Аммо кўпчилик ажрашган аёллар ўз дардини очиқ айтишга ботина олмайди — уят, жамият назари, "нима дейишар экан", деган қўрқув тўсиқ бўлади. Шунинг учун хотин-қизлар фаолидан талаб қилинадиган биринчи нарса — ишонч. Айблаш эмас, муҳокама эмас, аксинча, тушуниш ва ёнма-ён туришдир.

ПУЛ ЭМАС — МУСТАҚИЛЛИК

Бундай ҳолатда энг катта хато — аёлни доимий моддий кўмакка "ўргатиб қўйиш". Бир марта пул бериб, ишни тугалланган, деб ҳисоблаш вақтинчалик малҳам, холос. Ҳақиқий ёрдам эса аёлнинг қобилиятини аниқлаш, қизиқишларини ўрганган ҳолда касб-ҳунар курсига, иш ўрнига ёки ўз бизнесини бошлашга йўл очиб беришдан иборат. Чунки барқарор даромадга эга аёлгина ўз тақдири ва фарзандлари келажаги ҳақида мустақил қарор чиқара олади.

Демак, фаолнинг иши "кўмак кўрсатилди", деган ёзув билан эмас, аёл ишга жойлашгани, ўз кучи билан оёққа тураётгани, муаммоси ҳақиқатан ҳал бўлгани билан якунланиши керак.

БОЛАЛАР — НАЗАРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

Ота-она ажрашганда, энг кўп жабр кўрадиган болалар, десак, янглишмаймиз. Уларнинг таълими, тарбияси, соғлиғи, моддий эҳтиёжи доимо кун тартибида туриши шарт. Хотин-қизлар фаоли оила бузилиши болаларга қандай таъсир қилаётганини ҳам кузатиб бориши, зарур бўлса, тегишли мутахассисларни жалб этиши зарур.

Шу билан бирга, алимент, уй-жой, ҳужжатлар каби юридик масалаларда аёл ёлғиз қолмаслиги, малакали маслаҳат олишига амалий ёрдам бериш фаолнинг зиммасидаги масъулиятлардан бири.

Энг муҳими шуки, хотин-қизлар фаолининг иши бир марталик суҳбат ёки бир марталик кўмак билан тугамайди. Фуқаро иш топдими, аҳволи яхшиландими, белгиланган ёрдам самара беряптими — буни назорат қилиб бориш ҳам унинг вазифаси саналади.

Тўғри, бу ёлғиз бажариладиган иш эмас. Ҳуқуқий масалада юрист, бандликда тегишли идора, руҳий ёрдамда психологга эҳтиёж туғилади. Фаолнинг ҳақиқий маҳорати айнан шу тармоқларни бир-бирига боғлай олишида кўринади.

Энг муҳим тамойил ажрашган аёлни "муаммоли оила" деб эмас, янги ҳаёт бошлаш имконига эга инсон, деб кўришда намоён бўлади. Зеро, хотин-қизлар фаолининг ҳақиқий натижаси рақамлар эмас, оғир кундан чиқиб, ўз оёғида тура олган аёлларнинг тақдиридир.

Аёлнинг ҳаётидаги бир эшик ёпилган бўлса, бу унинг йўли ҳам тугаганини англатмайди. Хотин-қизлар фаоли ана шу йўлда унга елкадош бўлиш, имкониятини кўрсатиш ва янги қадам ташлашига кўмак бериши жуда муҳим.

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

АЁЛ ДАРДИ ҚОҒОЗДА ЭМАС, КЎЗЛАРИДА МУЖАССАМ

Баъзан бир хонадон эшигидан кириб, бутун оиланинг муаммоларига дуч келасиз. Кимнингдир дарди — бошпанасизлик, яна кимнингдир муаммоси — ишсизлик. Баъзиларида эса икки йилдан бери айтилмай келаётган алам, ажрашиш ёқасидаги эр-хотин ва онасининг меҳрига зор фарзандлар бор. Маҳаллада ишлаб, шунга амин бўлдимки, одамлар дарди қоғозда эмас, уларнинг кўзида мужассам.



Муқаддас ХОННАЗАРОВА, Иштихон туманидаги "Соҳибкор" ва "Орлот" маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Маҳалла тизимида 2022 йилдан буён ишлайман. Бунга қадар 21 йил бошланғич синф ўқитувчиси бўлганман. Маҳаллага келганимда, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар кўп эди. Бугун эса уларнинг айримларининг ҳаётидаги ўзгаришларга гувоҳ бўлиб келяпман.

Шундай оилалардан бири тўрт нафар фарзанди билан оғир шароитда яшаётган аёл эди. Турмуш ўртоғи ичкиликка ружу қўйган, уй қуриш учун ери ҳам йўқ эди. "Маҳалла еттилиги" билан биргаликда ҳаракат қилиб, оилага уч хонали уй қуриб бердик. Кейинчалик турмуш ўртоғи хорижга ишлаш учун кетиб, хонадони шароитини яхшилади. Аёл эса фарзандлари кичиклиги сабабли уй шароитида майиз тозалаб, мавсумий ишлар билан шуғулланмоқда.

Унинг ҳар сафар кўзида ёш билан билдирган миннатдорчилиги биз учун энг катта рағбат. Чунки янги уй бу оила учун шунчаки бошпана эмас, балки хотиржам ҳаётга қадам бўлди.

Маҳаллада оилавий масалалар билан ишлаш ҳам муҳим йўналишлардан. Икки йилдан бери бирга яшамай, ажрашиш ёқасига келиб қолган, уч нафар фарзандли оила билан ҳам иш олиб бордик. Оилавий жанжал ва учинчи шахс аралашуви туфайли юзага келган келишмовчиликлар суҳбатлар орқали бартараф этилди. Оила ярашиб, айни вақтда бахтли ҳаёт кечиряпти.

Дилдора Тожибоева тикувчилик цехи ташкил этиб, беш нафар аёлни иш билан таъминлади. Умида Хонназарова эса маҳалла тавсияси асосида имтиёзли кредит олиб, уйининг бир қисмида нон цехини очди. Уч йилдан буён фаолият юритаётган корхонада тўртта иш ўрни яратилган. Нон маҳсулотлари боғча ва бозорларга етказиб берилмоқда. Бундай мисоллар аёлга имконият берилса, у нафақат ўз оиласи, балки бошқалар фаровонлиги учун ҳам меҳнат қила олишини кўрсатади.

Айни пайтда маҳалламиздан 30 нафарга яқин аёл меҳнат миграциясида. Айримлари фарзандларини онаси ёки қайнонасига қолдирган, баъзилари мавсумий ишларда меҳнат қилмоқда. Улар билан мунтазам мулоқот қилиб, ҳолидан хабар олиб тураман.

Умуман, хотин-қизларнинг энг катта эҳтиёжи — бандлик. Доимий даромад манбаига эга бўлиш оиланинг иқтисодий барқарорлигига ҳам хизмат қилади. Шунинг учун маҳаллада янги иш ўринлари яратишни муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблайман.

Бизда бунинг учун тайёр жойлар бор. Тикувчилик билан шуғулланаётган аёллар ва уларнинг шогирдлари ҳам кўп. Лидер тадбиркорларга ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш бўйича таклифлар киритдик. Агар камида 50 нафар аёлни доимий иш билан таъминласак, бу маҳалла учун катта натижа бўлади.

Албатта, муаммолар ҳам мавжуд. Маҳалламиз туман марказидан бироз олисда жойлашган. Айниқса, йўл масаласи долзарб. Мактаб ўқувчилари чанг ва лой кўчалардан қатнаб ўқишяпти. "Ташаббусли бюджет"да бир марта иштирок этган бўлсак-да, ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар талайгина.

Мен учун ишдаги энг катта натижа — инсон ҳаётидаги ижобий ўзгариш. Бошпанали бўлган оила, ярашган эр-хотин, ишли бўлган аёл ёки ўз меҳнати билан даромад топаётган она — мана шу биз учун ҳақиқий ютуқ.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Орзуни мақсадга айлантирган оила бу...

Ҳар қандай катта иш кичик орзудан бошланади. Кимдир ўз истеъдодини рўёбга чиқаришни, яна биров оиласи учун қўшимча даромад манбаи яратишни, бошқаси эса бировга иш ўрни беришни ният қилади. Энг муҳими, орзуни мақсадга айлантириб, унинг ортидан дадил қадам ташлашдир.



Нигина ШОЕВА, журналист.

Шўрчи туманининг Бобур номидаги маҳалласида яшовчи Тожинор Ишонқулова ана шундай эзгу ният билан тадбиркорликка қадам қўйган фаол аёллардан бири. Унинг ширинлик тайёрлаш йўналишидаги фаолияти, аввало, келинининг болаликдаги қизиқишидан бошланган. Бугун эса ўша иштиёқ меҳнат, изланиш ва тадбиркорликка йўл очиб, 25 нафар фуқаро учун иш ўрнига айланди.

Айни вақтда бу масканда мазаси оғизда қоладиган ширинликлар тайёрланяпти. Аммо бу ерда фақат тотли маҳсулотлар эмас, меҳнат, умид ва янги имкониятлар ҳам куртак ёзган. Аёлларнинг жон куйдириб ҳаракат қилиши, пешонасидаги тер, ҳар бир маҳсулотга бераётган эътибори харидорга етказилаётган ширин таъмда намоён бўлади.

— Биз учун мижозларимизнинг мамнунлиги — энг катта мукофот. Тайёрлаётган маҳсулотларимиз нафақат кўриниши, балки таъми билан ҳам алоҳида ажралиб туришига ҳаракат қиламиз, — ***дейди тадбиркор.*** *— Энг қувонарлиси, бу ташаббус ортидан 25 нафар инсоннинг бандлиги таъминланди.*

Тадбиркорнинг ҳали ниятлари кўп. У келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириш ва ўз брендини яратишни мақсад қилган. Зеро, тадбиркорлик — фақат даромад топиш эмас. Унинг замирида инсонларга имконият бериш, оилалар фаровонлигига ҳисса қўшиш, маҳаллада янги ҳаёт руҳини шакллантириш каби катта мақсадлар бор.



Саҳифани "Mahalla" мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Меҳнатдан яралган барака

Шуманай туманидаги "Маданият" маҳалласида яшовчи моҳир ҳунарманд Олтиной Навбетованинг иш жараёнини кўздан кечирар эканмиз, қадимий қадриятларимиз ва миллийлигимиз нафаси уфуриб турган ҳақиқий меҳнат муҳитига гувоҳ бўлдик.

Кўй юнгидан фойдали ва сифатли маҳсулотлар тўқиш ҳар жойда ҳам сақланиб қолмаган. Аёл ўзининг оддийгина цехида бир қатор маҳалладош аёлларнинг бандлигини таъминлаб, миллий маҳсулотларни тайёрламоқда. Қувонарлиси, ушбу маҳсулотларга чет давлатлардан ҳам қизиқиш катта бўлиб, хорижга экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилган.

Келгусида Олтиной опа фаолиятини янада ривожлантириб, қўшимча имкониятлар яратиш орқали янги иш ўринларини очишни мақсад қилган.



"Тазабазар" маҳалласида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган Шаҳноза Юсуфбоева мева қуритиш фаолиятини йўлга қўйган. Бу ёш тадбиркор бугунги кунда маҳалладош хотин-қизларга муносиб намуна бўлмоқда. Унинг маҳсулот турини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган амалий ташаббуслари жуда кўп.

Маҳалла ободлиги, аввало, хонадонлар тинчлиги, шу каби аёллар фаоллиги ва инсонларнинг эртанги кунга ишончи билан ўлчанади.



Самарқандда дунё шахмат тарихидаги энг йирик воқеалардан бири — 46-БУТУНЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ бошланди.



Арнасойда бир вақтнинг ўзида 500 нафаргача ёшни қамраб оладиган ЁШЛАР МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ.



Хорижда таҳсил олаётган ва ўз билим ҳамда тажрибасини Ўзбекистон ривожига йўналтирмоқчи бўлган ёшлар учун "ВАТАНДОШ СТИПЕНДИЯСИ" ТАНЛОВИ ўтказилади.

"ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!"



КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

НИЯТ ҲАРАКАТГА, ҲАРАКАТ ЭСА РИЗҚҚА АЙЛАНГАН МАНЗИЛ

Пахтачи туманидаги "Сулувқўрғон" маҳалласида 24 ёшли Бахтиёр Ярашевнинг ташаббуси ёшлар билан ишлашда энг муҳими тайёр имкониятни кутиш эмас, балки мавжуд шароитни кўра билиш ва ундан унумли фойдаланиш эканини кўрсатди.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Унинг балиқчилик билан шуғулланиш ғояси дастлаб оддий ният даражасида эди. Бу ниятнинг аниқ лойиҳага, лойиҳанинг эса даромад манбаи ва янги иш ўринларига айланишида маҳалла ёшлар етакчиси Элбек Худойқуловнинг амалий кўмаги муҳим ўрин тутди. У Бахтиёрни масъул ташкилотлар билан боғлаб, мавжуд имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиш тартибини тушунтирди, ҳужжатларни расмийлаштириш ва зарур масалаларни ҳал этишда йўл-йўриқ кўрсатди.

Натижада маҳалла ҳудудида қарийб 30 гектар майдонда балиқчилик кўллари ташкил этилди. Бугун бу ҳудуд шунчаки ишлаб чиқариш майдони эмас, балки бир вақтлар иш излаган ёшлар учун доимий даромад манбаига айланган. Лойиҳа доирасида 12 нафар ишсиз ёшнинг доимий бандлиги таъминланди, балиқ етиштириш, парваришлаш ва маҳсулотни кенг тарқатиш орқали маҳаллада янги иқтисодий ҳаракат пайдо бўлди. Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унинг самараси фақат битта тадбиркорнинг даромади билан чекланмай, атрофидаги ёшларни ҳам меҳнат жараёнига жалб этиш ва келгусида янги иш ўринларини кўпайтириш имконини яратмоқда.

— *Олдин шунчаки ният қилардим, холос,* ***— дейди Бахтиёр Ярашев.*** — *Элбек ака имкониятлар борлигини тушунтирди, ҳужжатларимни расмийлаштиришда йўл-йўриқ кўрсатди, мутасаддилар билан учрашувларимни ташкил этишга ёрдам берди. Бугун ўз ишим бор. Энг муҳими, ўзим билан бирга яна ўнлаб тенгдошларим меҳнат қиляпти. Энди мақсадимиз мавжуд балиқчилик хўжалигини кенгайтириб, иш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринлари яратиш.*



"Сулувқўрғон" маҳалласида бу каби ташаббуслар алоҳида ҳолат эмас. 200 нафардан зиёд имконият излаётган ёшлар билан ишлашда асосий эътибор уларнинг қизиқиши ва ғоясини аниқлаб, уни амалий лойиҳага айлантиришга қаратилмоқда. Бахтиёрнинг 30 гектарлик балиқчилик хўжалиги эса бир ёшнинг ғоясига берилган эътибор қандай қилиб тадбиркорлик, бандлик ва маҳалла иқтисодиётига таъсир қиладиган натижага айланиши мумкинлигининг амалий ифодасидир.

ТАҲЛИЛ

ЕТАКЧИ ЁШЛАРНИ БИЛАДИМИ ЁКИ УЛАР ҲАҚИДАГИ РАҚАМЛАРНИ?..

Маҳалладаги ёшлар ҳақида гап кетганда, аввало, рақамлар тилга олинади: қанча ёш бор, неча нафари ўқияпти, неча нафари ишлаяпти, қанчаси спортга жалб қилинган? Бу маълумотлар, албатта, керак. Аммо бир савол рақамлар орасида кўпинча кўринмай қолади: шу ёшларнинг ҳар бирининг кўнглидан қандай ўйлар кечяпти, хавотири борми, қандай ёрдамга муҳтож?

Абдулазиз МЎМИНОВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари.

Ёшлар етакчиси фаолиятидаги энг мураккаб масалалардан бири ҳам шу. Фаол ёшни топиш осон — у тадбирда кўринади, спорт майдонида бўлади, ташаббус билан чиқади. **Қийинроғи эса жамоат ишларига қўшилмайдиган, ўз муаммосини ошкор қилмайдиган, ҳатто етакчи билан мулоқот қилишдан ҳам қочадиган ёшларни аниқлаш.** Айнан шу қатлам билан ишлашда одатий ёндашувлар кўпинча самара бермайди.

Ёшлар билан ишлашда энг катта хато — уларни бир хил эҳтиёжга эга қатлам сифатида кўриш. 18 ёшли талаба билан ишсиз ёшнинг, спортга қизиққан йигит билан ўзини жамиятдан четга олган тенгдошнинг муаммоси бир хил эмас. **Шундай экан, уларга бир хил усулда ёндашиб, бир хил тадбирга таклиф қилиш орқали натижа кутиш қийин.**

Муаммонинг яна бир нозик жиҳати бор: **ишонч.** Ёшлар ўз муаммосини айтиш учун, аввало, уларнинг гапи эшитилишига ишониши керак. Агар у мурожаатидан кейин нима бўлишини билмаса ёки аввалги тажрибасида натижа кўрмаган бўлса, кейинги сафар ҳам эшик қоқмаслиги мумкин. Бу эса етакчининг ишини қоғозда эмас, ҳаётда қийинлаштиради. Чунки маълумот базасида "муаммоси бор ёш" деган белги бўлмаслиги мумкин, аммо унинг ҳаётида муаммо бор.



Етакчиларнинг ўзлари ҳам бу жараёнда бир қатор тўсиқларга дуч келади. Маҳалладаги барча ёшлар билан мунтазам якка тартибда суҳбатлашиш, уларнинг ҳолатини кузатиб бориш ва ҳар бир мурожаат ортидан натижани текшириш учун вақт, усул ва ҳамкорлик тизими бирдек шуғулланиши керак. Акс ҳолда етакчи кўпроқ кўринадиган, фаол ёшлар билан ишлашга мажбур бўлиб, эътиборга энг муҳтож қатлам яна четда қолиб кетиши мумкин.

ЭЪТИБОР

Бир боланинг дарси — бутун маҳалланинг ташвиши

Бола тарбиясида, кўпинча масъулиятни бир-биримизга узатиб қўямиз: "Мактаб қарасин", "ота-онаси назорат қилсин", "маҳалла шуғулласин". Аслида эса боланинг келажаги битта эшик ортида қоладиган масала эмас.



Нигора РАШИДОВА, Бухоро шаҳридаги "Ёшлик" маҳалласи раиси.

Уоилада бошланган тарбияни мактабда давом эттиради, маҳалладаги муҳитда ўсиб-улғаяди. Шунинг учун маҳаллада бирор боланинг дарсга келмаётганини кўрсак, бунга шунчаки давоматдаги рақам, деб қараб туролмаймиз. Маҳалламиздаги 31-умумтаълим мактаби биз учун ана шундай эътибор марказидаги маскан.

1 020 ўринга мўлжалланган мактабда ўқувчиларнинг давоматини, эрталабки тартиб-интизомини имкон қадар шахсан ўзим кузатиб бораман. Яқинда юқори синфларда ўқийдиган беш нафар ўқувчининг дарс қолдираётгани маълум бўлди. Ёшлар етакчиси ва мактаб масъуллари билан бирга уларнинг хонадонларига бордик.

Бир оилада боланинг онаси кўзига ёш олиб, турмуш ташвиши сабаб эр-хотин қунининг кўп қисмини бозорда савдо билан ўтказаётганини, фарзандини назорат қилишга вақт тополмаётганини айтди. Уни койимадик. "Тирикчилик қилиш айб эмас. Аммо фарзанд бугун эмас, эртага ҳосилини берадиган мева. Уни қаровсиз қолдириб бўлмайди", дедик. Ҳеч бўлмаса, қўлига оддий телефон бериб, қаердалигини, дарсга борган-бормаганини сўраб туриш ҳам эътибор эканини тушунтирдик.

Бугун ўша беш нафар боланинг барчаси дарсга мунтазам қатнашяпти. Менимча, бу кичик натижа эмас. Чунки бола тарбиясида "бу менинг ишим эмас", деган қарашга ўрин йўқ. Ёшлар етакчиси ҳаракат қилади, мактаб ўз вазифасини бажаради, ота-она фарзандига эътибор беради, маҳалла эса четда турмайди — натижа ана шу ҳамжиҳатликдан келади.


Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ҳам эътибордан четда эмас. Маҳалламиздаги ва спорт майдончалари, "IT" маркази, кутубхона ҳамда Замондош маданият маркази кун давомида ёшлар билан гавжум. Футбол ва волейбол бўйича вилоят чемпионлари, волейболдан республика миқёсида 2-ўрин соҳиблари етишиб чиқаётгани ҳам ана шу муҳитнинг самарасидир. Ёшларимиз "Мутолаа", "Ибрат академияси", "Қизлар академияси", "Устоз AI" каби лойиҳаларда ҳам фаол қатнашмоқда.

Маҳалла, мактаб ва оила бир мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлса, боланинг тарбияси ва келажаги эътибордан четда қолмайди. "Маҳалла — мактаб — оила" концепцияси асосида йўлга қўйилган тизимнинг кучи ҳам шунда — ҳар бир бола тақдирига бефарқ бўлмаслик, муаммосини вақтида кўриб, унга ечим топиш. Чунки бир боланинг дарсга қайтиши, бир ёшнинг спорт ёки китобга қизиқиши ортида бутун маҳалланинг эътибори ва меҳнати туради. Бугунги эътибор — эртанги баркамол авлод учун энг катта сармоядир.

Ечим ёшлар ҳақидаги маълумотларни янада кўпайтиришда эмас, уларни янгилаш ва мазмун билан тўлдиришда. Рақам ёшларнинг борлигини кўрсатади, лекин уларнинг эҳтиёжини эмас. Шунинг учун "хонадонбай" ўрганишни шунчаки рўйхат тузиш эмас, мунтазам мулоқот ва кейинги кузатув билан боғлаш, ёшлар билан ишлашда "мурожаат қилди — жавоб берилди" эмас, "муаммо кўтарилди — натижага етказилди" тамойилини кучайтириш зарур.

Зеро, ёшлар етакчисининг ҳақиқий натижаси маҳаллада нечта тадбир ўтказилгани ёки нечта рақам киритилгани билан эмас, кўпчилик сезмаган бир ёшнинг муаммосини вақтида пайқаб, унинг ҳаётида ўзгариш қила олгани билан ўлчанади.

Шу маънода, асосий савол ҳамон очиқ: ёшлар етакчиси ёшлар ҳақидаги рақамларни биладими ёки рақамлар ортида турган йигит-қизларни ҳам кўра оладими?



Саҳифани "Mahalla" мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Маҳалламиз ҳудуди катта бўлмаса-да, бу ердаги 569 нафар ёшнинг ҳар бири ўз орзуси, қизиқиши ва имконияти билан алоҳида бир дунё.

ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЭМАС, ИМКОНИЯТИДАН ИЗЛАШ КЕРАК

Маржона САИДОВА, Ғозғон шаҳридаги "Шайхон" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Шунинг учун ёшлар етакчиси сифатида мен учун асосий вазифа уларни шунчаки рўйхатда ҳисобга олиш эмас, балки ҳар бирининг нимага қодирлигини кўриш, қўлидан ушлаш ва имкониятини рўёбга чиқаришдан иборат. Чунки ёшга ишонч билдирилса, унинг ортидан нафақат бир инсоннинг, балки бутун бир оиланинг ҳаёти ўзгариши мумкин.

Бугун маҳалламизда ёшларнинг таълим-тарбияси учун 2 та мактаб ва 1 та мактабгача таълим ташкилоти хизмат қилмоқда. Дарсдан бўш вақтни самарали ўтказиш учун эса мини-футбол ва воркаут майдончалари доим ёшлар ихтиёрида. Болаларнинг қизиқиши ва қобилиятини эрта аниқлаш мақсадида волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка каби тўгараклар йўлга қўйилган. Айниқса, эрталабки спорт тарғиботларида ёшларнинг ўз хоҳиши билан майдонга чиқиб, бир-бирини спортга чорлаётгани биз учун яхши натижанинг ўзи.

Маҳалламизнинг ўзига хос жиҳати — ҳудуднинг чорвачилик ва саноат йўналишларига мослашгани. Яйловларга яқинлик ёшларни чорвачилик билан шуғулланишга ундаса, бошқа ёшлар тадбиркорликнинг замонавий йўналишларини танламоқда. Бугун маҳаллада новвойхона, пиширикхона, тикувчилик каби йўналишларда ўз ишини бошлаган ёшлар бор. Уларнинг кўпчилигига ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда имтиёзли кредит олиш масаласида амалий кўмак кўрсатилмоқда.

Шундай ёшлардан бири — Селзора Эгамбердиева. У аввал камбағал оилалар рўйхатида турган, бироқ имконият излашдан тўхтамаган қизларимиздан эди. Мен унинг ҳаракатларини анча вақт кузатиб юрдим. У кичик тадбирлар ва туғилган кунлар учун торт ҳамда турли ширинликлар тайёрлар, лекин бу ишни кенгайтириш учун унга ишонч ва молиявий имконият етишмасди. Биз унга 100 миллион сўм кредит ажратилишига кўмаклашдик.



Апрель ойида маҳаллада аввал бўш турган бинода унинг ўз новвойхонаси иш бошлади. Кейинчалик новвойхона қошида пишириклар ва сомсахона ҳам ташкил этилди. Илк кунларда харидор топиш масаласи осон кечмади. Шунинг учун алоҳида Телеграм гуруҳи очиб, маҳсулотларни тарғиб қилдик, аъзоларни биргаликда жалб этдик. Бугун эса буюртмалар, айниқса, тўй ва маросимлар учун тайёрланадиган маҳсулотларга талаб анча юқори. Энг муҳими, Селзоранинг ўзи билан бирга яна икки нафар фуқаро ишли бўлди.

Бу воқеада мен учун энг таъсирли жиҳат — кредитнинг ўзи эмас, Селзоранинг аввалидаги иккиланиши ва кейинги ишончидир. Ёш оила, ҳали 30 ёшга тўлмаган, икки нафар вояга етмаган фарзанди бор. Бугун эса аввал бир оила учун даромад манбаи бўлган ҳунар бир нечта инсоннинг ризқ топишига хизмат қилмоқда. Демак, бир ёшга берилган имконият баъзан бир оиланинг эмас, бир нечта оиланинг ҳаётига таъсир қилади.

Биз учун ёшлар билан ишлашнинг моҳияти — уларни банд қилиш билангина чекланмайди. Асосий мақсадимиз — уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, салбий муҳит ва жиноятчиликдан асраш, ўз қобилиятини топишига шароит яратиш ва эртага жамиятга наф келтирадиган етук кадр бўлиб камол топишига ҳисса қўшишдир. Шунинг учун ҳар бир ёшнинг ютуғини маҳалланинг ютуғи, ҳар бир янги иш ўрнини эса ҳудудимизнинг эртанги тараққиёти, деб биламан.



АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ “БОҒИ ЭРАМ” МАҲАЛЛАСИДА “Эъзоз” лойиҳаси доирасида ёлғиз кексалар хонадонида ободонлаштириш ишлари олиб борилди.



Самарқанд вилоятида вояга етмаганларни тергов сўроғидан ўтказишда “БАРНАҲУС” МОДЕЛИ БЎЙИЧА ТРЕНИНГ ташкил этилди.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамкорлигида ДУАЛ ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН семинар ташкил этилди.

Mahalla №75

2026 ЙИЛ
16 СЕНТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАССИЗ...

Термиз шаҳрининг “Мангузар” маҳалласида тадбиркор Сабоҳат Ҳасанова ташаббуси билан ташкил этилган “Янги кун” кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати айни пайтда 18 нафар ногиронлиги бўлган шахсни қамраб олган. Бу ерда улар учун турли машғулотлар ва мулоқот жараёнлари ташкил этилмоқда.

“Янги кун” — янги имконият сари қўйилган қадам



**Маржон ТОШМУРОДОВА,
журналист.**

Хизмат оила аъзолари учун ҳам енгиллик яратяпти. Яқини кундузи махсус масканда бўлиши туфайли оила аъзолари меҳнат фаолияти ва бошқа юмушлари билан шуғулланиш имконига эга бўлади.

*— Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, кўпроқ инсонларга ёрдам бериш ниятидамиз. Энг катта рағбатимиз — хизмат олаётган инсонларнинг мамнунлигини кўриш, **— дейди Сабоҳат Ҳасанова.***

Маълумотларга кўра, 26 нафар тадбиркордан ариза олиниб, 11 нафари билан битим имзоланган. Шунингдек, хизматдан фойдаланиш истагидаги 347 нафар фуқаронинг 173 нафарига тегишли хулосалар берилган.

Йил якунига қадар вилоятда 20 нафар тадбиркор билан битим тузиш ва 350 нафардан ортиқ ногиронлиги бўлган шахсни хизмат билан қамраб олиш режалаштирилган.

“Янги кун” — инсон қадри, оила хотиржамлиги ва янги имкониятлар сари қўйилган амалий қадам.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

Бугунги кунда ижтимоий ҳимоя тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим жиҳатларидан бири — аҳолига ёрдамни умумий ёндашув асосида эмас, балки ҳар бир инсон ва оиланинг аниқ эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этишдир.

Ҳар бир рақам ортида турфа тақдир, турли инсонлар бўлади

**Гулрух СУБХОНОВА,
Пешку туманидаги “Чиғирчи” маҳалласи ижтимоий ходими.**

Бу жараёнда маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходимларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки хонадонларга кириб, инсоннинг турмуш шароити, имкониятлари ва мавжуд муаммоларини ўрганиб, зарур хизматларни белгилаш зиммамиздаги энг муҳим вазифадир.

Маҳалламизда ҳам бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилган. Ҳудудимизда 3 257 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида ногиронлиги бўлган 152 нафар шахс, якка-ёлғиз 4 нафар фуқаро бор. “Еттилик” ходимлари билан ҳар бир эҳтиёжманд фуқаронинг ҳолатини алоҳида ўрганиб, мавжуд муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб келяпмиз.

Маҳалладаги 152 нафар ногиронлиги бўлган шахс ёки 4 нафар якка-ёлғиз фуқаро шунчаки статистик кўрсаткич эмас. Ҳар бир инсоннинг ёши, соғлиғи, оилавий шароити, кундалик эҳтиёжлари, меҳнат қилиш имконияти ва жамиятда фаол бўлиш истаги бор. Шунинг учун уларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ҳам бир-биридан фарқ қилади.

Бу ёндашувни Холбуви Хўжақулова оиласи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Унинг хонадонида икки нафар ногиронлиги бўлган шахс яшайди. Улардан бири — аёлнинг турмуш ўртоғи, иккинчиси эса қайниси. Бир муҳитда истиқомат қилишига қарамай, ҳар иккисининг эҳтиёжлари турлича. Шу боис уларнинг ҳолати алоҳида ўрганилиб, ҳар бири учун зарур бўлган хизматлар белгиланди.

Аввало, Холбуви опанинг турмуш ўртоғи якка-ёлғиз кекса сифатида ижтимоий хизмат билан қамраб олинди. Унинг кундалик ҳаётини енгиллаштириш, саломатлигини назорат қилиш ва мустақиллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасидаги хизматлар ташкил этилди.

Биринчи навбатда, унинг тиббий кўрикдан ўтиши таъминланиб, дори-дармонлардан фойдаланиш, санитария хизматларини олиш имкониятлари яратилди. Бундай ёрдамлар, аввало, инсоннинг кундалик эҳтиёжларини енгиллаштиришга, унинг ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Хонадондаги яна бир фуқаро — Холбувининг қайниси ҳам эътибордан четда қолмади. Унинг эҳтиёжлари ўрганилиб, унга моддий ёрдам тайинланди. Тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил этилди ҳамда “Янги кун” хизматига жалб қилинди. Яъни, бир хонадонда яшовчи икки нафар ногиронлиги бўлган шахсга бир хил ёрдам эмас, балки уларнинг индивидуал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда турли хизматлар кўрсатилди.

Маҳалламизда бандлик масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эҳтиёжманд фуқароларни фақат нафақа ёки моддий ёрдам билан таъминлаш эмас, балки уларнинг ўз имкониятидан келиб чиқиб даромад топиши, касб-ҳунар эгаллаши ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топишига кўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгиланган.



Амалга оширилган ишлар натижасида маҳаллада 16 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган. 4 нафар шахс адаптив хизматларга, 6 нафар фуқаро эса фаол ҳаётга жалб этилган. Шунингдек, 15 нафар фуқарога протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари етказиб берилди.

Бу рақамларнинг ҳар бири ортида алоҳида инсон тақдири бор. Кимдир учун бандлик оиласи даромадини ошириш имконияти бўлса, яна кимдир учун реабилитация воситаси мустақил ҳаракатланиш ва кундалик ҳаётда ўзини эркин ҳис қилиш имкониятини англатади. Фаол ҳаётга жалб этилган инсон учун эса бу — жамиятдан четда қолмаслик, ўз қобилияти ва имкониятларини намоён этиш демакдир.

Аҳоли билан мулоқот жараёнида муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ўрганаман ва уни бартараф этишнинг мақбул йўлларини излайман. Зарур ҳолларда тиббий, психологик, ҳуқуқий, реабилитация ва бошқа ижтимоий хизматларга йўналтираман. Энг муҳими, инсонни тайёр ёрдам олувчи сифатида эмас, балки мавжуд имкониятларини рўёбга чиқара оладиган шахс сифатида кўришга ҳаракат қиламан.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Айтилмаган дард, аниқланмаган муаммо қолмаслиги жуда муҳим

Ижтимоий ҳимоя тизимида энг муҳим вазифалардан бири — инсоннинг ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва унга айнан зарур бўлган кўмакни кўрсатиш. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, ҳар бир фуқаро ҳам ўз муаммосини ижтимоий ходимга очиқ ва тўлиқ баён қилавермайди.

**Норой СОАТОВА,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бошқармаси бош мутахассиси.**



Ижтимоий ходимнинг тинглаш қобилияти ҳам шунча муҳим. Фуқаронинг муаммосини кичрайтириб кўрсатмаслик, танқид қилмаслик ва шошилинч хулоса чиқармаслик ишончни мустаҳкамлайди. Киши гапини кимдир эшитаётганини ҳис қилсагина, ўз муаммосини чуқурроқ очиши мумкин.

Айрим ҳолларда инсон ўзининг моддий, оилавий, соғлиқ ёки бошқа муаммоларини яширади, баъзида эса мавжуд вазиятни енгиллаштириб кўрсатади. Бу эса камчиликни ўз вақтида аниқлаш ва унга манзилли ечим топиш жараёнини мураккаблаштиради.

Хўш, нима учун инсон ўз муаммоси ҳақида гапиришдан тийилади?

Биринчидан, бу ҳолат инсоннинг уят ёки ор-номус ҳисси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Айниқса, оиладаги моддий қийинчилик, қарздорлик, ишсизлик, оилавий келишмовчилик ёки парваришга муҳтож яқин инсон билан боғлиқ муаммоларни бошқаларга айтиш кўпчилик учун осон эмас. “Одамлар нима дейди?!”, деган қараш баъзан кишини ёрдам сўрашдан ҳам тўхтатиб қўяди.

Иккинчидан, **ишонч масаласи** бор. Фуқаро ўзининг айтган гаплари қаергача етиб бориши, кимларга маълум бўлиши ёки бу маълумотлар унга салбий таъсир кўрсатишидан хавотирланиши мумкин. Агар инсон ижтимоий ходим билан суҳбатни ишончли мулоқот сифатида қабул қилмаса, у ҳақиқий муаммосини яшириши табиий.

Учинчи сабаб — **муаммонинг ўзига кўникиб қолиш**. Узоқ вақт давомида қийинчилик билан яшаган инсон баъзан уни муаммо сифатида қабул қилмай қўяди. Масалан, ёлғиз кекса киши кундалик эҳтиёжларини мустақил ҳал қилиб келган бўлса, унга кимнингдир ёрдами кераклигини тан олиш қийин бўлиши мумкин. Ёки ногиронлиги бўлган инсон ўз эҳтиёжларини айтишни ортиқча, деб ҳисоблар эҳтимол.

Бундан ташқари, айрим фуқаролар **ижтимоий хизматлар ҳақида етарли маълумотга эга эмас**. Улар қандай хизматлар мавжудлиги, кимларга ва қай тартибда кўрсатилишини билмагани учун ўз эҳтиёжини ҳам тўғри ифодалай олмаслиги табиий.

Шу ўринда **ижтимоий ходимнинг вазифаси фақат муаммони, эҳтиёжни сўраш билан чекланиб қолмаслиги керак.** Чунки баъзан аҳоли вакилининг берган жавоби унинг ҳақиқий эҳтиёжини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин. Ижтимоий ходим суҳбат давомида инсоннинг турмуш шароити, оилавий муҳити, кундалик эҳтиёжлари ва имкониятларини комплекс ўрганиши лозим.

Бу жараёнда кескин саволлар ўрнига ишончли мулоқотни шакллантирувчи, инсонни эркин фикрлашга ундайдиган саволлар самаралироқ бўлиши мумкин. Масалан, “Муаммоингиз нима?”, деган савол ўрнига “Кундалик ҳаётингизда сизга энг кўп қийинчилик туғдираётган масала қайси?”, дея мурожаат қилиш инсонга ўз ҳолатини эркинроқ тушунтириш имконини беради.

Муаммонинг яширин қолиши нафақат алоҳида инсонга, балки бутун ижтимоий хизмат тизими самарадорлигига таъсир қилади. Чунки эҳтиёж тўлиқ аниқланмаса, кўрсатилаётган хизмат ҳам тўғри танланмаслиги мумкин. Натижада киши бир турдаги ёрдамни олса-да, унинг асосий муаммоси ҳал этилмай қолиши эҳтимоли бор.

Албатта, бу вазифа осон эмас. Ижтимоий ходим бир вақтнинг ўзида инсоннинг шахсий ҳудуди ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши, унинг муаммосини аниқлаши ва зарур хизматларга йўналтириши керак. Бунда мажбурлаш эмас, ишонч уйғотиш асосий восита бўлмоғи керак.

Шу маънода, ижтимоий ходимнинг касбий маҳорати нафақат хизматларни билиш, балки **фуқарони тушуниш, ишонч қозониш ва айтилмаган эҳтиёжни тўғри аниқлай олиш** билан ҳам белгиланади.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Ҳар кун янги умидларни уйғотаётган савол

“Сизга қандай ёрдам керак?” Маҳаллада ижтимоий ходимнинг иш куни кўпинча шу саволдан бошланади. Оддий туюлган бу сўроқ ортидан эса айрим оилаларнинг йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолари аниқланади.

**Ўлмас БАРОТОВ,
журналист.**

Косон туманидаги “Нартибаланд” маҳалласи ижтимоий ходими Шоира Усмонова ҳам ана шундай оилалар билан ишлайди. Унинг ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни оғир вазиятдан чиқариш, мавжуд муаммоларини аниқлаш ва уларга ечим топиш мақсадида 90 дан ортиқ ижтимоий кейс очилган.

Ҳар бир кейс ортида муайян инсон тақдири, бир оиланинг эҳтиёжи бор. Шу боис ижтимоий ходимнинг вазифаси муаммони қайд этиш билан чекланмайди. Фуқароларнинг яшаш шароитини ўрганиш, эҳтиёжини аниқлаш, тегишли хизматларга йўналтириш ва натижани кузатиб бориш ҳам унинг зиммасида.



Масалан, маҳаллада истиқомат қилувчи Ҳафиза Санаевага қайнонасига қараб туриш учун расмий тартибда кўмак берилди. Тўрт нафар вояга етмаган фарзанди учун кам таъминланган оилаларга бериладиган болалар нафақаси тайинланди. Икки нафар фарзанди бепул мактабгача таълимга, мактаб ёшидаги фарзанди эса тўгаракка йўналтирилди.

Бундай мисоллар ижтимоий ходим фаолиятининг мазмуни фақат моддий ёрдам кўрсатишдан иборат эмаслигини кўрсатади. Асосий мақсад оиланинг муаммосини аниқлаб, уни мавжуд имкониятлар ва ижтимоий хизматлар орқали бартараф этиш, инсоннинг ҳаёт шароитини яхшилашдан иборат.

Зеро, ўз вақтида кўрсатилган бир ёрдам, тўғри йўналтирилган хизмат баъзан бутун бир оиланинг ҳаётида янги босқични бошлаб бериши мумкин.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



“AI INCUBATOR-2026” ўз якунига етиб, дастур давомида тақдим этилган инновацион ғоялар ва лойиҳалар сарҳисоб қилинди.



НУКУС ШАҲРИДА Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни етказиш мақсадида очиқ мулоқот ўтказилди.



Солиқ қўмитасида Ўзбекистонда фаолият юритаётган ГЕРМАНИЯ КОМПАНИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИ билан учрашув ўтказилди.

2026 ЙИЛ
16 СЕНТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla №75

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

МАСЛАҲАТ

Солиқ текшируви якунланиб, натижаси бўйича қарор қабул қилинганда, солиқ тўловчи уни шунчаки қабул қилиши шарт эмас. Агар текширув давомида аниқланган ҳолатлар, ҳисобланган солиқ суммаси ёки қўлланган чораларга рози бўлмасангиз, қонун сизга ўз фикрингизни билдириш ва қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқини беради.

СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ НАТИЖАСИДАН НОРОЗИ БЎЛСАНГИЗ...

Солиқ кодексининг 158-моддасига кўра, солиқ тўловчи солиқ текшируви натижалари бўйича қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиши мумкин. Бунинг учун қарорнинг ўзида шикоят бериш муддати, шунингдек, юқори турувчи солиқ органига ёки судга мурожаат қилиш тартиби кўрсатилиши шарт.



Шу сабабли қарорни олганингиздан кейин уни диққат билан ўқиб чиқиш муҳим. Хусусан, сиздан қайси солиқ тури бўйича қўшимча сумма талаб қилингани, бу ҳисоб-китоб нималарга асосланган ва қандай чора қўлланганига эътибор беринг. Агар қарордаги маълумотларга эътирозингиз бўлса, уни тасдиқловчи ҳужжатлар, ҳисоб-китоблар ёки бошқа далилларни тайёрлаб қўйган маъқул.

Яна бир муҳим жиҳат — шикоят қилиш муддатини ўтказиб юбормаслик. “Кейинроқ кўраман” деб юриш масалани мураккаблаштириши мумкин. Қарорда кўрсатилган тартиб ва муддатга амал қилган ҳолда юқори турувчи солиқ органига ёки судга мурожаат қилиш мумкин.

ТАҲЛИЛ

Тадбиркорга назорат эмас — мулоқот, талаб эмас — кўмак керак

Маҳалладаги солиқ инспектори иши кўпчилик ўйлагандек, фақат солиқ йиғишдан иборат, деб ўйлайсизми?

Унинг зиммасига тадбиркорни аниқлаш, яширин фаолиятни қонунийлаштириш, солиқ қарздорлигини камайтириш, янги солиқ объектларини топиш билан бирга, тадбиркорга қонун талабларини тушунтириш ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳам юкланган. Солиқ қўмитасининг ўзи ҳам маҳалладаги солиқ инспекторининг асосий вазифаларидан бири солиқ масалаларида амалий кўмак бериш эканини белгилаган.



**Мардон ВАФОЕВ,
Солиқ қўмитаси департамент директори.**

Муаммо ҳам айнан шу ерда бошланади: инспектордан натижа рақам билан талаб қилинади, тадбиркор билан ишлаш эса вақт ва ишончни талаб қилади.

Бу ҳолатни рақамлар ҳам кўрсатмоқда. 2026 йил август ойида маҳалладаги солиқ инспекторларининг KPI бўйича ўртача кўрсаткичи 56,1 балл-ни ташкил этган. 1 538 нафар инспектордан 666 нафари 55 баллдан ҳам паст натижа қайд этган. Бу рақамлар инспектор фаолиятида аниқ натижа кўрсаткичлари қанчалик муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Бироқ маҳалладаги солиқ ишининг ҳақиқий мураккаблиги фақат KPIда эмас. Масалан, янги иш бошлаган тадбиркор солиқ ҳисоботини қандай юритишни билмаслиги мумкин. Инспектор унинг хатосини фақат аниқлаб, чора кўради. Хатонинг сабабини тушунтириб, фаолиятини қонуний йўлга қўйишига ёрдам беради. Биринчи ҳолат қисқа муддатда натижа беради, иккинчиси эса барқарор солиқ тўловчи пайдо бўлишига хизмат қилади.

Солиқ қўмитаси раиси Фаррух Пўлатов 2026 йилги “Ўзбекистон солиқ форуми”да солиқ сиёсати бўйича тушунтириш бериш, солиқ тўловчиларнинг муаммоларини эшитиш ва бизнес билан бирга амалий ечим топиш муҳимлигини таъкидлаган. Демак, замонавий солиқ инспектори учун вазифа фақат қонунбузарликни топиш эмас, унинг олдини олиш ҳамдир.

Бугун 8 992 та маҳаллага 1 528 нафар солиқ инспектори бириктирилган. “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали сўнгги икки йилда вақтинча молиявий қийинчиликка тушган 138,7 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланган, 37,8 мингдан зиёд бўш турган объект ишга туширилган ва 40 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган. Бу рақамлар солиқ инспектори фаолиятини фақат “қанча солиқ йиғилди?” деган савол билан ўлчаш етарли эмаслигини кўрсатади.

Шунинг учун асосий муаммо — солиқ инспекторининг назоратчи ва маслаҳатчи вазифалари ўртасида тўғри мувозанатни топиш. Агар инспектор фақат камчилик изласа, тадбиркор ундан узоқлашади. Агар фақат маслаҳат билан чекланса, яширин айланмалар ва солиқдан қочиш ҳолатлари эътибордан четда қолиши мумкин.

Ечим эса аниқ: инспектор натижаси фақат аниқланган қоидабузарлик ёки йиғилган тушум билан эмас, қонуний фаолиятга ўтган тадбиркорлар, расмийлаштирилган объектлар ва такрорий қоидабузарликларнинг камайиши билан ҳам баҳоланиши керак. Шунда солиқ инспектори рақам ортидан қувувчи назоратчи эмас, маҳаллада қонуний бизнес муҳитини шакллантирувчи мутахассисга айланади.

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Хато ортидан юргандан тўғри тушунча бермоқлик муҳимроқ

Бир куни маҳаллалардан бирида истиқомат қилувчи Аҳмад аканинг юришида шошилинчлик бор эди. Қабулимга киргач, қўлидаги ҳужжатларни стол устига қўяр экан, уларни бир-бир чиқариб, яна йиғиштириб қўяр, гўё ниманидир исботлашга ҳаракат қилаётгандек кўринарди. Бир қарашдаёқ бу ерга оддий маълумот олиш учун келмаганини англадим.

**Мардон АНДАҚУЛОВ,
Гулистон шаҳридаги “Аҳиллик”, “Соҳил”, “Дўстлик”, “Намуна”, “Тараққиёт” маҳаллалари солиқ инспектори.**



У бир неча ойдан бери электр харажатларини камайтириш йўлини излаган экан. Оилавий ҳисоб-китоб қилиб, уйига қуёш панели ўрнатишга қарор қилган. Интернетдан маълумот тўплаган, таниш-билишларидан нарх сўраган, охири арзонроқ таклиф қилган усталар билан келишиб, панелларни томига ўрнаттирган. Пулининг бир қисмини олдиндан берган, қолганини эса иш тугагач тўлашга келишган.

Унинг ўйи оддий эди: электр учун тўлов камаяди, ортиқча энергия бўлса, ундан ҳам фойда кўради, қонунчиликда белгиланган имтиёзлардан ҳам фойдаланади. Аммо панеллар ўрнатилиб, иш тугаганидан кейин у бошқа саволга дуч келди. Қайси солиқ камаяди? Имтиёз қўлланиладими? Бунинг учун ҳужжат керакми? Панелни ўрнатишдан олдин бирор жойдан рухсат ёки тасдиқ олиш зарурмиди?

Энг ёмони, бу саволларнинг аксариятига у панелни ўрнатишдан олдин жавоб изламаган эди. Шунинг учун қабулга келганда унинг қўлида панел ўрнатилганини тасдиқловчи ҳужжатлар бор, аммо солиқ имтиёзига оид аниқ тушунча йўқ эди. Танишидан эшитган гап билан расмий талаб ўртасида фарқ борлиги энди сезила бошлаган. Фуқаро имтиёздан фойдаланиш ниятида эканини айтди, аммо сарфлаган маблағи бекор кетишидан ҳам хавотирда экан. У ҳатто панелни шошилиб ўрнаттириб қўйганидан афсуслана бошлаган.


Мен эса, аввало, унинг хавотирини эмас, масаланинг ҳуқуқий томонини тартибга солишга ҳаракат қилдим. Қуёш панелини ўрнатишнинг ўзида барча солиқ мажбуриятлари тўғридан-тўғри бекор бўлади, деган тушунча нотўғри эканини тушунтирдим. Қонунчиликда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган имтиёзлар мавжуд, аммо улардан фойдаланиш белгиланган шарт ва тартибларга боғлиқ.

Шундан сўнг унинг ҳужжатларини кўриб чиқиб, қайси талабларга эътибор бериш, имтиёзни қўллаш учун қандай маълумотлар зарурлиги ва расмийлаштириш жараёнида нималарни тўғри бажариш кераклигини бирма-бир тушунтирдим. Масалани фақат “солиқ камаяди ёки камаймайди” деган икки оғиз жавоб билан қолдирмасликка ҳаракат қилдим. Чунки нотўғри тушунча яна бир неча ойдан кейин бошқа муаммони келтириб чиқариши мумкин эди.

Суҳбат охирида у ҳужжатларини олиб, бироз хотиржам тортди. Кетаётиб, фақат бир гапни айтди: “Кейинги сафар аввал сўрайман, кейин иш қиламан”.

Инспекторнинг вазифаси эса хатонинг ортидан бориб, уни қайд этиш билангина чекланмаслиги керак. Айниқса, янги имкониятлар ва янги имтиёзлар пайдо бўлаётган бир пайтда одамларга улардан қандай ва қайси шартларда фойдаланиш мумкинлигини тушунтириш ҳам муҳим.

Чунки баъзан бир оғиз тўғри тушунтириш фуқаронинг сарфлаган пулини, вақтини ва, энг муҳими, қонунни билмай қилган хатосини асраб қолиши мумкин.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

ЛАВҲА

Маҳалламиз ҳудудида зовур ва катта ариқлар кўп. Улар йиллар давомида шунчаки фойдаланилмай турган жой сифатида кўриларди. Мен эса шу бўш турган майдонларда даромад манбаи яратиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб, ўтган йил декабрь ойида 36 та қора патли ўрдак олиб, хонадоним томорқасида парваришлашни бошладим.

“ЎЙЛАБ КЎРСАМ, ИМКОНИЯТ ЁНИМДА ЭКАН...”

**Равшан ТИЛЛАБОЕВ,
Риштон туманидаги ”Мевазор” маҳалласи.**



Пайрандачиликни аввал ижтимоий тармоқлар орқали ўрганган эдим. Бир-икки ой давомида ўрдакларни кузатиб, парвариш қилдим. Баҳор келиб тухум олиш ва қўпайтириш жараёни бошланди. Ўрдаклар 30-40 кунда тухум очиши, бир мартада 20-30 тагача тухум босиши ва йилига бир неча марта қўпайиши мумкинлигини амалда кўриб, бу ишни кенгайтиришга ишончим ортди.

Ўрдаклар кўпайгани сари томорқамиз имконияти торлик қила бошлади. Шунда хонадонимиз ёнидан ўтган зовурдан фойдаланиш таклифи бўлди. Оилавий маблағимиз етарли эмас эди. Маҳалла масъуллари билан маслаҳатлашиб, имтиёзли кредит олдим. 40 миллион сўм маблағ ҳисобига зовур бўйида ўрдаклар учун шароит яратдим, яна 65 метр ҳудудни ўраб, фойдаланишга мослаштирдим.

Натижа кутганимдан ҳам юқори бўлди: тўққиз ойда 36 та ўрдак 800 тага етди. Бу иш катта харажат ёки оғир меҳнатдан кўра, эътибор, сифатли озуқа ва мунтазам парваришни талаб қилар экан. Ҳозир 4-5 ойлик ўрдакларимиз декабрь ойидан бошлаб даромад келтира бошлайди. Бир донаси 200 минг сўмгача, вазни эса 5 килограммгача етади. Фаолиятни расмий юритиб, тегишли солиқларни, жумладан, фаолият шаклига мос айланмадан олинадиган ва ижтимоий солиқларни ўз вақтида тўлашни ҳам йўлга қўйдим. Солиқ инспекторининг маслаҳатлари бу борада менга катта ёрдам берди: қандай рўйхатдан ўтиш, ҳисоб юритиш ва мажбуриятларни бажариш бўйича тушунтириш олдим. Энди даромадим кредитни қоплаш билан бирга, давлат олдидаги солиқ мажбуриятларимни ҳам бажаришга хизмат қилади.

Хонадонимизда бошланган бу тажрибани энди маҳалла миқёсидаги лойиҳага айлантирмоқчимиз. Талабгорларни ўрдак билан таъминлашни ўз зиммамга оламан. Имконияти чекланган оилаларга эса пайрандаларни бериб, улар даромад олгач, тўлаш имконини яратмоқчимиз.



ФАРҒОНА ТУМАНИДАГИ “ХЎРОБА” МАҲАЛЛАСИДА профилактика инспектори ташаббуси билан 11 нафар фуқаронинг ҳуқуқий муаммосига ечим топилди.



Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактабда “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ АВЛОДЛАРИ” махсус гуруҳи ташкил этилди.



СИРДАРЁ ТУМАНИДАГИ “КАМОЛОТ” МАҲАЛЛАСИ профилактика инспекторининг тажрибаси вилоятда оммалаштирилди.

Mahalla №75

2026 ЙИЛ
16 СЕНТЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

Тунги соат икки. Телефон тўсатдан жиринглайди. Кўчада чироқлар ўчган, маҳалла уйқуда. Гўшакни кўтарсам, маҳалладошларимиздан бири йиғлаб, хўжайини яна ичиб келиб, тўполон қилаётганини айтди...

“Тун осуда, хонадон хотиржамми, **демакки, меҳнатимиз беҳуда кетмаяпти”**

Норқул УМАРОВ,
Когон туманидаги “Мустақиллик” маҳалласи профилактика инспектори.

Зудлик билан ўша хонадонга шошилдим. Оилавий низони тинчлантириб, кўчага чиққанимда тонг отаётганди. Бир нарсани ўйладим, агар бу эркакнинг тайинли иши, кундузи ишлайдиган меҳнат жамоаси бўлганида, кечқурун уйига чарчаб келиб, хотиржам ухлаган бўлармиди?!

Ароқ шишасига ёки жиноят кўчасига одамни нима бошлайди? Бекорчилик ва умидсизлик! Профилактика инспектори сифатида вазифам — ўша оиланинг муаммосини вақтида илғаб, унга жиноятчи эмас, инсон сифатида ёрдам беришдир.

Бугун маҳаллада айни шу ҳаётий ҳақиқат билан ишлаяпмиз. Давлат раҳбарининг ҳар бир ташаббуслари бизга жуда катта масъулият юклади. Криминоген вазият бўйича “яшил” тоифадамиз. Ҳудудда 909 та хонадон бўлиб, уларда 3 минг 431 нафар аҳоли яшайди. Бу рақамлар ортида 3 минг нафардан ортиқ тақдир, феъл-атвор ва турлича ижтимоий муҳит турибди.

Ҳудудда тинчликни сақлашнинг энг катта калити — аҳоли бандлигини таъминлашдир. Бу борада ёлғиз ўзим ҳеч нарса қилолмасдим. Бахтимизга, маҳалланинг ички муҳитини тубдан ўзгартира оладиган “еттилик” тизими шаклланди. Хонадонма-хонадон юриб, жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган, қийналган қатламни алоҳида рўйхатини туздик.

Йил бошида соғлом, меҳнатга лаёқатли, лекин ҳеч қаерда ишламайдиган 33 нафар фуқаро бор эди. Уларнинг ҳар бири билан манзилли ишлаб, 31 нафарини доимий иш ўринларига жойлаштирдик, тадбиркорликка йўналтирдик. Шу орқали 31 нафар инсон жиноят ҳақида ўйламайди, улар кундалик ризқини ҳалол меҳнатдан топяпти.

Маҳалладаги 28 та эҳтиёжманд оила аниқланиб, уларни даромад манбаи билан таъминлаш чоралари кўрилди. Чунки иқтисодий етишмовчилик ва йўқчилик бор жойда жиноятга мойиллик юқори бўлади. Биз мана шу омилни синдирдик.

Профилактика инспектори сифатида мен учун энг катта бахт — одамлар кечаси уйида хотиржам ухлаяпти, фарзандлари тинч. Демак, меҳнатимиз беҳуда кетмаяпти.



ТАҲЛИЛ

Натижадорликнинг энг муҳим омили — ҳисобот эмас, ижро изчиллигида!

Тўй-ҳашамдан қайтаётган оила, кечки салқинда маҳалла гузарида гурунглашиб ўтирган кексалар ёки мактабдан уйга қайтаётган болажонлар...

Шароф ЎРОЛОВ,
Ички ишлар вазирлиги жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғи, полковник.



Бу оддий кундалик манзаралар ортида биргина бебаҳо неъмат — осойишталик турибди. Тинчлик бор жойда ривожланиш, келажакка ишонч бўлади. Бироқ шу осойишталик фақатгина қоғоздаги чиройли рақамлардан иборат бўлиб қолса, қадр-қиммати йўқолади. Бугун оддий одамларга ҳисобот ўрнига ўз уйи, кўчаси ва оиласининг хавфсизлиги керак. Зеро, тинчликни фақатгина жиноят содир бўлгандан кейин воқеа жойига етиб бориш билан эмас, ўша кўнгилсизликнинг барвақт олдини олиш билан таъминлаш мумкин.

Ислоҳотлар жараёнида ички ишлар тузилмаси, хусусан, маҳаллаларда жиноятчиликка қарши курашиш, криминоген вазият барқарорлигини таъминлаш ҳамда аҳоли билан манзилли ишлаш тизими тубдан янгиланди. Жиноятчиликнинг оқибати билан эмас, балки унинг барвақт олдини олишга қаратилган янги ёндашувлар ҳаётимизга кириб келди.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойи сарҳисоби соҳада муайян ижобий ўзгаришлар бўлганини кўрсатмоқда. Аммо эришилган натижаларга маҳлиё бўлиб қолиш — бугунги шиддатли даврда катта хатодир. Зеро, олдимизда турган вазифалар кўлами анча кенг ва улар қоғоздаги рақамларда эмас, балки аҳолининг кундалик ҳаётидаги осойишталикда акс этиши шарт. Ҳар қандай тизимнинг самарадорлиги уни бошқараётган кадрларнинг билими ва масъулиятига боғлиқ. Айниқса, маҳаллада аҳоли билан бевосита мулоқотда бўладиган профилактика инспектори юксак касбий билим, амалий кўникма ва энг муҳими, замонавий технологиялардан самарали фойдалана олиш қобилиятига эга бўлиши зарур.

Вазиятни тўғри таҳлил қила оладиган ва мустақил қарор қабул қилиш салоҳиятига эга профессионал кадрларни тайёрлаш кун тартибидаги энг долзарб масаладир. Бунинг учун кадрлар тайёрлаш тизимини замон талаблари асосида тубдан такомиллаштириш, таълим ва амалиётнинг узвий уйғунлигини таъминлаш, ходимларнинг хизмат давомида касбий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш зарур.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашда янгича ишлаш, фаолиятни натижадорлик ва шахсий масъулият тамойиллари асосида ташкил қилиш талаб этилмоқда. Эндиликда асосий эътибор жиноятни фош этишга эмас, балки ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқараётган сабаб ва омилларни барвақт аниқлашга қаратилиши шарт. Афсуски, айрим ҳудудларда ҳалигача жиноятчиликка таъсир кўрсатаётган омилларни чуқур таҳлил қилиш, профилактик ишларни манзилли ўргатиш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Жиноятни келтириб чиқарган шарт-шароитларни йўқотиш масаласи иккинчи даражага тушиб қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Криминоген вазиятни фақат умумий статистик кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиёти ўзини оқламаслиги маълум. Бизга умумий рақамлар эмас, ҳар бир маҳалла, кўча, ҳаттоки оила кесимидаги реал вазият таҳлили керак. Профилактика ишларини қолипдан чиқариб, ҳар бир ҳудуднинг хусусиятига мос ҳолда қайта кўриш, хавф гуруҳига кирувчи шахслар, муаммоли оилалар билан манзилли ва якка тартибда ишлашни кучайтириш лозим.

Белгиланган вазифаларни қоғоздаги чиройли ҳисоботлар ва қуруқ мажлисбозлик билан чеклаб қўйиш — ислоҳотлар илдизига болта уриш билан баробар. Натижадорликнинг ягона омили — қабул қилинган қарорларнинг жойлардаги ижросини тўлиқ таъминлашдир. Янги ёндашувларнинг чинакам самараси қоғозда эмас, аввало, аҳоли билан ишлаш сифати яхшиланганида, ҳуқуқбузарликларнинг кескин олди олинганида, жамоат хавфсизлиги тўлиқ таъминланганида намоён бўлиши керак.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Асосий ўсиш нуқта — савдо ва хизмат кўрсатиш. Бу соҳани кенгайтириш орқали биз нафақат иқтисодий фойда кўряпмиз, балки ёшларнинг бўш вақтини меҳнатга йўналтириб, уларни кўчанинг салбий таъсиридан асраяпмиз.

Олдимизда ҳали вазифалар кўп. Хавфсиз ва фаровон муҳитни янада мустаҳкамлаш мақсадида тизимли режа белгиланган. Масалан, 15 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилади, 42 та янги иш ўрни яратилиб, ишсизлик бутунлай тугатилади. Ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш ва уларнинг бизнес ғояларини молиялаштириш учун 205 миллион сўм кредит маблағлари ажратилади.

Айрим инспекторлар иш оғирлигидан нолиса, унга дакки бераман. Чунки ўз ваколат ва ҳуқуқларини билган аҳоли билан ишлашни яхши йўлга қўйган ходим бундай ҳолатга тушмайди. Фуқаролар йиғини таркибидаги жамоатчилик кенгашларидан самарали фойдаланиб, яхши натижага эриша олади. Айниқса, нотинч, ажралиш ёқасида турган оилалар, жиноят содир этишга мойил ёки аъзолари ўз жонига суиқасд қилган, узоқ муддатга хорижга ишлаш учун кетган, жазони ижро этиш муассасаларидаги фуқароларнинг оилалари билан ишлашда қўл келади.

Ўзим ана шу ҳолатдан хулоса чиқариб, ажралиш, оилавий низолар масаласида, кўчалар, хонадонлар кесимидаги муаммоларни ҳал этишда кенгашлар қўмагига таянаман. Бу натижага ижобий таъсир қилмоқда. Масалан маҳалламизда жиноят содир этишга мойил ёшлар, оилавий ажралишларнинг олдини олишда “Нуронийлар”, “Оқила аёллар” кенгаши иштирокини таъминлаганман.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

Қоронғулик — жиноятнинг энг яқин дўсти

Маҳаллада жиноятчиликни жиловлаш, шунчаки либос кийиб юриш ёки содир бўлган воқеани расмийлаштириш, дегани эмас. Бу — шифокор каби ҳудуднинг “касаллиги”ни ичидан ўрганиш, ташхис қўйиш ва даволашдир.

Мақсадбек ФАЙЗ.

Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Карши шаҳридаги “қизил” тоифага киритилган “Чўлқувар” маҳалласида 66 та кўп қаватли уйнинг хатловдан ўтказилиши профилактика инспекторига вазиятнинг асл илдизини кўрсатди.

— Жиноят кўчада эмас, балки оилавий низолар, ишсизлик ва ижтимоий мослаша олмаслик орқали уйларнинг ичида туғилмоқда, — дейди профилактика инспектори Ҳусан Саидов. — Айни кунларда 120 нафар ходим жалб этилиб, кучайтирилган профилактик тадбирлар ўтказилаётгани ана шу муаммоларни биргаликда ҳал этиш имконини беряпти. Қолаверса, 187 та видеокузатув камералари техник кўрикдан ўтказилиб, “SOS” тугмалари ўрнатиляпти.

“Хонадонбай” хатловда 2 минг 56 та мурожаат қайд этилгани ҳудудда ижтимоий босим юқорилигидан далолат беради. Шу боис шунчаки эшик тақиллатиб, сўровнома тўлдирмай, жанжалкаш оилаларнинг молиявий ва психологик ҳолатини ўргандим. Кўпинча оилавий зўравонлик ортида ишсизлик туради. Хотин-қизлар фаоли ва психологларни жалб қилган ҳолда низоларни барвақт бартараф этиш асносида, асл сабаб бартараф этиляпти. Жиноятнинг калити тугатиляпти. Муқаддам судланганлар ва хавф гуруҳидаги шахсларни жамиятга қайтариш учун бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этиляпти. Криминоген вазиятга мойиллиги бор ёшларга имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилишини шахсан назоратга олганман. Уларни тадбиркорликка йўналтиряпмиз. Чўнтагида пули, бошида ҳалол ташвиши бор ёш йигит тунда кўчада бекор кезмайди.



Дарҳақиқат, 187 та видеокамера ва “SOS” тугмалари инспекторнинг маҳалладаги “рақамли кўзи”га айланган. Куч ва воситалар айнан қайси кўча ёки уй атрофида хавф юқори бўлса, ўша ерга йўналтириляпти. Янада муҳими, жамоатчилик назорати ўрнатилган. Кўп қаватли уйлардаги “уй бошилари” ва фаол кексалар билан ҳамкорликда “Бизнинг уй — хавфсиз ҳудуд” шиори остида ички гуруҳлар ташкил этилган. Бу ижарада турувчи шубҳали шахслар ва ҳудудга келиб-кетувчи бегоналар устидан қонуний ва тезкор назорат ўрнатишга ёрдам беряпти.

Қоронғулик — жиноятчининг энг яқин дўсти. Шу сабабли уйлар атрофи ва ички йўлакларни 100 фоиз тунги чироқлар билан ёритилди. Бундан ташқари, инспектор ёшлар етакчиси билан биргаликда тунги вақтларда ҳам ишлайдиган спорт майдончалари ва тўгаракларни фаоллаштиряпти. Спорт мусобақалари ёшларнинг тўғри йўналишга соляпти.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жиноятчиликка қарши курашишда энг замонавий видеокамералар ёки кўчадаги юзлаб патруль ходимлари ҳам халқнинг ишончи ва кўмаги сингари кучли самара бера олмайди. Профилактика инспекторининг ҳақиқий маҳорати ва ташаббускорлиги қонун устуворлигини таъминлаш билан бир вақтда, одамларнинг қалбига йўл топа олишда намоён бўлади. Шубҳасиз, жиноятни жиловлаш, бу — идорада ўтириш ёки фақат буйруқни бажариш эмас, балки маҳалла аҳли билан елкадош, ҳар бир хонадоннинг қувончу ташвишидан хабардор бўлиш, демакдир. Қачонки, инспектор халққа яқин бўлса, одамлар уни ўз ҳимоячиси ва яқини деб билса, маҳалланинг ўзи жиноятчиликка қарши собит қалқонга айланади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 345 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-920

ISSN 2010-7013